

“РАҚАМЛИ НАЗОРАТ” — КОРРУПЦИЯГА БАРҲАМ БЕРИШНИНГ ШАФФОФ ТИЗИМИ

Президент Шавкат Мирзиёев 29 июль куни маиший коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари бўйича тақдимот билан танишди.

Бу жудаям долзарб, кўпчилик аҳолига дахлдор масала. Чунки коррупциявий ҳолатларнинг 75 фоизи шаҳар ва туманларда маиший шаклда бўляпти.

Шу боис, 5 март куни Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида бу илатта барҳам бериш вазифаси қўйилган эди. Шу мақсадда Президентнинг 21 апрелдаги фармони билан Бош прокуратурада коррупция омилларини таҳлил қилиш бўлими ташкил қилинди. Худудларга мунтазам чиқиб, бундай омиллар ўрганиб борилмоқда.

Прокуратура тизимидаги Хуқуқни муҳофаза қилиш академияси ва илмий-тадқиқот марказида 200 дан ортиқ мутахассис илм ва таҳлил билан шуғулланипти. Умуман, ҳуқуқ-тартибот идораларида 100 мингдан зиёд ходим коррупциянинг олдини олиш бўйича ишляпти.

Лекин кўп ҳолларда бу илатнинг сабаблари четда қолиб, оқибати билан курашилми. Коррупцияга йўл қўймайдиган превентив чоралар ҳали етарли эмас. Ҳар куни одамларнинг иши тушадиган ҳокимлик, кадастр, банк ва солиқ идораларида бюрократия, “коррупциявий туйнуклар” тўлиқ йўқолгани йўқ.

Тақдимотда шу борадаги қўшимча чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Юртимизда 43 та назорат идораси бор. Ҳамма вазирликларда комплаенс назорат

бўлимлари ташкил этилган. Аввало, уларнинг самарадорлигини ошириш вазифаси қўйилди. Вазирлик ва идоралар ҳузуридаги инспекцияларнинг бу борадаги фаолиятига ҳам танқидий муносабат билдирилди.

Президентимиз коррупциянинг фақат камайгани эмас, қанчасининг олди олинганига қараб, давлат идоралари фаолиятини баҳолаш кераклигини таъкидлади.

Ер ажратиш бўйича шаффоф тизим жорий қилинган. Лекин жойларда бу борада ноқонуний хатти-ҳаракатлар ҳалигача учраб турибди. Шу боис, кадастр, “Ўзбеккосмос”, қурилиш ва бошқа тегишли ташкилотлар маълумотларини таҳлил қилиб, бундай ҳолатларга бутунлай чек қўйиш шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Прокуратура тизимини тўлиқ рақамлаштириш ва барча соҳалар устидан “рақамли назорат” ўрнатиш зарурлиги таъкидланди.

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида парламентнинг масъул қўмиталарига маҳаллагача тушиб, коррупцион ҳолатларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, давлат харидларида тўғридан тўғри шартномаларни камайтириш, ёшлар ўртасида коррупцияга муроасизлик муҳитини шакллантириш каби долзарб масалаларда тавсиялар берилган эди.

Тақдимотда бунга масъуллар бажарилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

ЎЗА

ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев ҳарбий таълим тизимини такомиллаштиришга оид тақлифлар тақдироти билан танишди.

Бу ҳақда шу йил 21 февраль куни бўлиб ўтган Хавфсизлик кенгашининг йиғилишида топириқ берилган эди. Шунга мувофиқ, 20 дан ортиқ хорижий давлатнинг соҳага оид илгор тажрибалари ўрганилиб, ҳарбий таълимни ислоҳ қилиш бўйича янги миллий модель ишлаб чиқилди.

Таклифга кўра, Қуролли Кучлар академияси ислоҳ қилиниб, унинг негизда Ўзбекистон Республикаси ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Мудофаа вазирлигининг барча ҳарбий таълим муассасалари — 5 та институт, Сержантлар тайёрлаш олий мактаби ҳамда Авиация ва учувчисиз учиш аппаратлари мутахассисларини тайёрлаш маркази институт мақомида мазкур университет таркибига ўтказилади. Бу марказлашган вертикал тизимни ҳосил қилиб, қўшинларнинг жанговар салоҳиятини ошириш, дуал таълимни кенгайтириш, илмий тадқиқотларни амалиётга таъбиқ этишга хизмат қилади.

Масалан, Сержантлар тайёрлаш олий мактабида армиянинг асосий таянчи бўлган сержантларни ўқитиш, уларда етакчилик қобилиятини шакллантириш, замонавий қуроллар ва тактик усуллар бўйича кўникмаларини оширишнинг янги тизими жорий этилади.

Янгиликлардан яна бири — тор доирадаги ихтисосликлар бўйича “2+2” тартиби йўлга

қўйилишидир. Яъни психолог, алоқачи, таъминотчи, омборчи каби 18 хил ёндош соҳа мутахассислари бошқа олий таълим муассасаларининг 2-босқич талабалари орасидан саралаб олинади.

Иқтидорли ёшларни қўлаб-қувватлаш мақсадида, янги ўқув йилдан бошлаб битирувчи босқич курсантлари учун танлов асосида “Олий Бош Қўмондон” давлат стипендияси жорий этилади. Мазкур стипендия соҳиб бакалавриятни тамомлаганидан сўнг 5 йил мобайнида олий ҳарбий таълим муассасаларининг магистратурасига имтиҳонларсиз қабул қилинади.

Яна бир эътиборли жиҳати, эндиликда олий ҳарбий таълим муассасаларининг 36 та таълим йўналиши битирувчилари бир йўла иккита диплом — фуқаролик ва ҳарбий касбга мўлжалланган мутахассислик эгаси бўлади. Бу уларнинг ҳарбий хизматдан кейин ҳам фаол ишлаши имконини беради.

Ушбу ислохотларга яраша ҳарбий педагогларни танлашга ҳам талаб кучади. Жумладан, ҳарбий педагогларни етакчи хорижий давлатларда ўқитиш тизими йўлга қўйилади.

Тақдимотда ушбу тақлифлар маъқулланиди ва уларни амалиётга самарали таъбиқ этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

ЎЗА



ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИКДА ЯНГИЧА ТАЛАБЛАР

ЁХУД СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИК — МИЛЛИЙ БАРҚАРОРЛИК ПОЙДЕВОРИ



ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Мамлакатимизда ягона ва аҳил оила бўлиб яшаб келаётган 130 дан зиёд миллат ва элатлар вакиллари бўлган сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда кўпмиллатли бутун халқимизни 30 июль — Халқлар дўстлиги куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Ҳеч шубҳасиз, юртимиз заминидида қадимги даврлардан буён давом этиб келаётган этник хилма-хиллик ноёб ижтимоий ҳодиса бўлиб, бутун — Янги Ўзбекистон шариоитида янгича маъно-мазмун ва аъналарга эга бўлиб бораётгани диққатга сазовордир.

Барчамиз учун азиз ва мўътабар бўлган Ватанимиз айнан шу асосда инсон қадри ва бахти улуғланганидан том маънодаги тинчлик, дўстлик ва меҳр-оқибат диёрига айланиб бормоқда, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшилиасиз.

Муҳтарам дўстлар!

Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омил бўлган миллатлараро муносабатларни ривожлантиришни биз юртимизда демократик ҳуқуқий давлат ҳамда эркин фуқаролик жамияти барпо этишнинг устувор йўналиши сифатида белгилаб олдик ва бу борада улкан ишларни амалга ошириб келмоқдамиз.

Аввало, соҳага доир давлат сиёсати тубдан такомиллаштирилиб, унинг ҳуқуқий ва институционал асослари мустаҳкамланди.

Энг муҳими, бу йўналишда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатилиб, уларнинг имкониятлари бирлаштирилиб, тизимли ва кенг миқёсда иш олиб борилмоқда.

Биргина мисол — мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 157 та миллий-маданий марказ, 42 та дўстлик жамияти ва хориждаги 100 дан ортиқ ватандошлар жамоат бирлашмалари давлат ташкилотлари билан ҳамкорликда юртимизда дўстлик ва бағрикенглик муҳити, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигини мустаҳкамлаш, чет эллар билан маданий-маърифий алоқалар, халқ дипломатиясини ҳар томонлама ривожлантириш бўйича кўлаб ижобий натижаларга эришмоқда.

Биз ўзининг ҳалол меҳнати, ватанпарварлик фазилатлари билан республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини оширишга беқийс ҳисса қўшиб келаётган турли миллатга мансуб юртдошларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Улар давлат ва жамоат ташкилотларида турли масъул лавозимларда чин дилдан меҳнат қилишмоқда, фидокорона хизматлари учун Ватанимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишмоқда. Уларнинг орасида депутат ва сенаторлар, таниқли ишлар чикариш вакиллари, тадбиркорлар, таълим, тиббиёт, илм-фан, маданият, адабиёт, санъат ва спорт намоёндалари борлигини барчамиз яхши биламиз.

Ўз тақдири ва келажagini Ўзбекистон билан боғлаган бундай олижаноб юртдошларимиз тарихий ватанлари билан мамлакатимиз ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик

алоқаларини мустаҳкамлашда ҳам алоҳида намуна кўрсатишмоқда.

Миллий-маданий марказларнинг барчамиз учун умумхалқ байрамларига, гўзал қадриятларга айланиб кетган Наврўз ва Мустақиллик тантаналари, бошқа оммавий тадбирларни ўтказишда доимо фаол иштирок этиб келишяётгани ҳам таҳсинга лойиқдир.

Барчамиз биргаликда нишонлаётган бугунги байрам — Халқлар дўстлиги куни ҳам халқимизнинг тинчлик, дўстлик ва эзулик гоёлари мужассам бўлган бой маданияти, урф-одат ҳамда аъналарини яққол намоён этиш учун яна бир катта имконият эканини таъкидлаш лозим.

Сўнгги йилларда қатъий сиёсий иродамиз билан минтақамиздаги қардош давлатлар ўртасидаги дўстона алоқалар янги босқичга кўтарилиб, дунё сиёсатида “Марказий Осиё руҳи” деган ибора ва воқелик пайдо бўлгани барчамизнинг умумий ютуғимиз, десак, тўғри бўлади. Бу ҳақда гапирганда, шу йил март ойида Ўзбекистон — Қирғизистон — Тожикистон чегаралари ўзаро туташган нуқтада “Дўстлик” теласи ўрнатилгани ўртамиздаги яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари мустаҳкамланиб бораётганидан яна бир ёқин далолатдир.

Ҳурматли юртдошлар!

Дунёнинг турли минтақаларида миллий ва диний асосда турли низолар давом этаётган ҳозирги ўта таҳликали шариоитда ягона Ўзбекистон гоёси асосида энг катта бойлигимиз — юртимиздаги осейишталик ва барқарорлик, ўзаро ҳурмат ва тотувлик

муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар, билим-маърифат, касб-хунарлар эгаси этиб тарбиялаш, инклюзивлик тамойилларини чуқурлаштириш борасидаги ишларимизни келгусида ҳам изчил давом эттирамиз.

Ўзбекистон фуқароси эканидан фахрланганидан барча миллат ва конфессиялар вакиллари ҳамда хориждаги ватандошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини Конституция ва қонунларимиз талаблари асосида ҳамма жойда қатъий ҳимоя қилиш учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Сиз, азизлар Ватанимизнинг иқтисодий ва ижтимоий қудратини ошириш, халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини юксалтириш йўлида бундан буён ҳам фидокорона меҳнат қилиб, бутун куч-гайратингиз, билим ва тажрибангиз, истедод ҳамда маҳоратингизни, касбий ва инсоний салоҳиятингизни тўла намоён этасизлар, деб ишонаман.

Барчангизни бугунги шуқуҳли байрам билан яна бир бор қизгин табриқлайман.

Сизларга мустаҳкам соғлиқ, мамлакатимиз равнақи йўлидаги олижаноб фаолиятингизда янги зафарлар, оливий бахт, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Барчамиз учун ягона Ватан бўлган жонажон Ўзбекистонимиз доимо омон бўлсин, ҳаммиша гуллаб-яшнасин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

30 июль — Халқлар дўстлиги куни



Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичи танланган ривожланиш парадигмасининг самарадорлиги, олиб борилаётган ислохотларнинг натижадорлигини кўрсатмоқда. Бунда, айниқса, сўнгги йиллардаги мураккаб, ноаниқ ва ўзгарувчан ташқи муҳит таъсирига қарамай, иқтисодиётимизнинг деярли барча тармоқларида барқарор ва юқори ўсиш суръатлари кузатилаётгани алоҳида эътиборга сазовор жиҳат.



Таҳлил

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ЎТА ИЖОБИЙ

БУ НИМАЛАРДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ?

Ҳа, кейинги пайтларда дунёнинг турли минтақаларида давом этаётган нотинчликлар: ўзаро низолашув, қуролли тўқнашувлар, савдо урушлари кўпгина мамлакатларда тинчлик, иқтисодий барқарорлик тизгинини издан чиқарди.

Халқона айтганда, йўғон чўзилиб, ингичка узиладиган бундай мураккаб шариоитда мамлакатимиз эришяётган иқтисодий ютуқлар қувонарли, албатта. Фикримизни юртимизда мустақиллигимизнинг 34 йиллиги байрами шуқуҳи кезиб

юрган шу кунларда Халқаро валюта бажғармаси Ижроия кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси билан ўтказилган маслаҳатлашувлар ҳам тасдиқлади.

Давоми 3-бетда

Давоми 4-бетда

Энг яқин дўстингиз билан суҳбатларда ўзингизни қандай ҳис қиласиз? Эркин, самимий, хотиржам, бориғизни айтасиз, борлиғингиз билан эшитасиз. Биз ҳам шундаймиз. Тўлаимиз, тошамиз, дардлашганда вужудимиз енгил тортади, ютуқларимизни бўлишганда шодлиқларимиз ортади. Гоҳ бир-бировга навбат бермаймиз, гоҳ бир-бировни тинглаб тўймаймиз. Мақоллар, маталлар, ташбеҳлар келтирамиз. Узоқ-узоқ суҳбатлар кураимиз. Аммо иккимиз икки тилда — биримиз ўзбек, биримиз қорақалпоқча гапиряётганимиз хаёлимизга ҳам келмайди. Ҳар ким ўз она тилида гапирди, лекин ҳамма бир-бирини тушунади. Юртимизда бундай ҳудудлар кўп.

Мен туғилиб ўсган Тўрткўл туманидаги Оқбошли қишлоғи аҳолисининг ярми ўзбек, ярми туркман. Болалигимизда биз ҳар доим юзининг ярмини ёпиб юрадиган туркман келинларига “тележе” деб мурожаат қилардик. Бу янга, келинойи дегани. Мактабда гарчи ўзбек синфда бўлсак-да, илк ҳарфни ўргатган, бошланғич синф ўқитувчимиз ҳам туркман миллатига мансуб Сапармуҳаммад Жумагулиев эди. Ўтказиладиган адабиёт, санъат байрамларида куй-қўшиқлар, шеърларни икки тилда бир хил ижро қилиб кетаверардик. Юртимизда бундай таълим даргоҳлари ҳозир ҳам кам эмас.

Мулоҳаза

Бугунги кунда замонавий қурилиш саноати иқтисодийёт, ижтимоий барқарорлик ва хавфсизлик билан боғлиқ стратегик соҳалардан бирига айланди. Қурилиш маданияти ҳар бир миллатнинг ривожланиш даражасини белгилаб берадиган муҳим кўрсаткичлардан биридир.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда жадал урбанизация жараёни кузатишмоқда. Айниқса, йирик шаҳарлар, хусусан, Тошкент шаҳридаги қурилиш охириги йилларда янги архитектура қиёфасини шакллантирмоқда. Замонавий кўп қаватли уй-жойлар, бизнес марказлари, ижтимоий инфратузилма объектлари ва транспорт йўлакларининг барпо этилиши нафақат шаҳар кўринишига, балки аҳоли турмуш тарзига ҳам жиддий таъсир кўрсатяпти.

Шу билан бирга, аҳолининг уй-жойга бўлган талаблари тобора ортиб бораётганига ҳам гувоҳимиз. Авваллари фуқаролар кўп йиллар давомида уй-жойга муҳтож ҳолда ижарада яшаган бўлса, ҳозирги пайтда қурилиш компаниялари томонидан таклиф этилаётган қулай шартлар, яъни уй нархини бўлиб тўлаш имконияти, дастлабки бадалсиз ёки паст фоизли ипотека кредитлари кенг аҳоли қатламларини ўз турар жойига эга бўлишга ундамоқда.

Бир сўз билан айтганда, қурилиш соҳасида соғлом рақобат муҳити вужудга келган. Бу эса, ўз навбатида, сифатга эътиборни оширмоқда. Яъни ҳар бир қурилиш ташкилоти ўз лойиҳаси орқали мижозни жалб этишга ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун замонавий лойиҳалар нафақат ташқи кўриниши билан, балки ички қулайликлари, функционаллиги, энергия тежовчи ва экологик тоза материаллардан фойдаланиши билан ҳам фарқ қилади.

Бирок ушбу суъратдаги қурилиш жараёнлари билан бир қаторда унинг хавфсизлик масаласи эътибор марказида бўлиши лозим. Чунки Ўзбекистон сейсмик фаол ҳудудлар қаторига киради. Мамлакатимизда ўз бериши мумкин бўлган зилзилаларга қарши барча иншоотлар, айниқса, кўп қаватли турар жойлар барпо этилаётганда сейсмик бардошлилик талабларига қатъий риоя қилиниши зарур.

Сўнгги йилларда дунёда юз берган йирик зилзилалар кўплаб қурбонларга, иқтисодий йўқотишларга олиб келди. Бундай ҳолатлар хавфларга жиддий ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Мамлакатимизда кейинги йилларда бу соҳада олиб борилаётган кенг қўламли ишлар, қабул қилинган қарор ва фармонлар, тегишли идора ва муассасалар фаолиятидаги ангилликлар мазкур йўналишда жиддий ислохотлар амалга оширилаётганидан далолат беради.

Бугунги кунда ҳар бир янги қурилаётган иншоот учун лойиҳаолди текширувлари ва экспертиза жараёнлари кучайтирилган. Паспортлаштириш тизими орқали мавжуд биноларнинг сейсмик ҳолатига баҳо берилаётир. Масалан, pasportbino.uz электрон платформаси орқали кўп қаватли турар жойларнинг техник ҳолати баҳоланиб, сейсмик заиф бўлган бинолар аниқланмоқда. Бундай уйлари ёки реконструкция қилинади, ёки реновация режаси асосида бўзилиб, ўрнига замонавий ва хавфсиз турар жойлар қурилади.

Бундан ташқари, давлат томонидан жойларда назорат кучайтирилиб, ҳар бир қурилиш жараёнида архитектура-қурилиш назорати ва сейсмик экспертиза олиб боришмоқда. Ҳар бир лойиҳани амалга оширишдан аввал

ЗАМОНАВИЙ ШАҲАРСОЗЛИКДА ЯНГИЧА ТАЛАБЛАР

ЁХУД СЕЙСМИК ХАВФСИЗЛИК — МИЛЛИЙ БАРҚАРОРЛИК ПОЙДЕВОРИ



ер ости тузилиши, сейсмик фаоллик даражаси, муҳандислик-геологик таҳлиллар ўрганилиб, шунга асосан лойиҳалар тасдиқланади. Аммо амалиётда айрим ҳолларда назоратсиз ёки лицензиясиз қурилиш ишлари, баъзан сифатсиз материаллардан фойдаланиш ҳолатлари ҳам аниқланмоқда. Айниқса, хусусий қурилиш ташкилотлари томонидан тезроқ фойда олиш мақсадида қурилиш муддатлари қисқартирилаётгани, сифати эса эътибордан четда қолаётган ҳолатлар жиддий хавотир уйғотади. Шунинг учун ҳам давлат назорати билан бир қаторда жамоатчилик назоратини кучайтириш, аҳолини қурилиш жараёнларида иштирок этишга ундаш муҳим вазифалардан биридир.

Жорий йил 13 май кунни давлатимиз раҳбари сейсмик хавфсизлиكنи кучайтириш бўйича таклифлар тақдироти билан танишди. Мазкур масала нафақат қурилиш соҳаси, балки кенг маънода миллий хавфсизлик ва инсон ҳаётининг муҳофазаси нуктаи назаридан ҳам стратегик аҳамият касб этади. Шу боис, тақдиротда Президентимиз томонидан билдирилган фикрлар замирида юртимизда қурилиш сифати, сейсмик барқарорлик, илмий ёндашув ва ҳуқуқий назоратни чамбарчас боғлаш зарурати ётади.

Бу йўналишда қатор тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда, хусусан, қонунчилик устуворлигини таъминлаш масаласи прокуратура органлари томонидан қатъий назоратга олинган. Ўз навбатида, қурилишнинг илмий асосларидан бири бўлган сейсмология соҳасини ривожлантириш, уни замонавий технологиялар билан бойитиш ҳам муҳим вазифага айланди. Шу мақсадда ҳорийжий илмий марказлар билан ҳамкорлик қилинмоқда, инновацион технологиялар татбиқ этиляпти. Бу нафақат лойиҳалаш,

балки қурилишнинг ҳар бир босқичида — мониторинг, баҳолаш ва фойдаланиш жараёнида ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Сейсмик хавф — глобал муаммо. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, ҳар йили Ер юзиде ўртача 4-6 балл даражасида 500 га яқин зилзила қайд этилади. Охириги 20 йил мобайнида турли сейсмик ва табиий офатлар туфайли 1,2 миллиондан зиёд инсон ҳалок бўлган, 4,2 миллиард киши турли даражада жабрланган. Бу фактлар табиий офатларга тайёргарлик кўриш ҳар бир мамлакат учун стратегик вазифа эканини кўрсатади.

Ўзбекистон тарихидаги энг йирик зилзила 1966 йил 26 апрель кун Тошкентда рўй берган. Бу офат оқибатида Тошкентнинг катта қисми вайрон бўлган, аммо қисқа фурсат ичида шаҳар тубдан қайта тикланган. Бу қайта қурилиш маҳаллий ва халқаро мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширилгани боис, Тошкент “Халқаро қурувчилар шаҳри” деб эътироф этилган.

Сўнгги йилларда қурилган бинолар қайта қўриб чиқилди, уларнинг техник ҳолати халқаро мутахассислар иштирокида тўлиқ баҳоланди. Бу жараён нафақат мавжуд инфратузилмани баҳолаш, балки келажакдаги қурилишлар учун аниқ стандартлар ва меъёлар белгилашга ҳам хизмат қилади.

Сейсмологик жараёнлар нафақат миллий хавфсизлик, шу билан бирга, глобал барқарорлик нуктаи назаридан ҳам муҳим ҳисобланади. Бунга давлатимиз раҳбарининг халқаро ташаббуслари орқали ҳам гувоҳ бўлдик. 2024 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 29 апрель санасини “Зилзила қурбонларини хотирлаш халқаро кун”и” деб эълон қилди. Бу тарихий қарор сейсмик хавфларга қарши курашда Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги позициясига юқори баҳо берилганини кўрсатади.

Сейсмик хавфсизлик масаласи бугунги кунда Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишига, миллий барқарорлик ва жамоат хавфсизлигининг асосий қафолатига айланди. Бугунги кунда мутахассислар, халқаро экспертлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари билан биргаликда сейсмик

“**Қурилиш соҳасида хавфсизлик давлат ва жамият учун устувор масала бўлиши керак. Чунки ҳар бир қурилаётган бинода инсонлар яшайди, ишлайди, оилалар турмуш кечиради. Шу боис, ҳар қандай қурилиш авваламбор одамлар ҳаёти учун хавфсиз бўлиши шарт.**



рат, техник регламентлар ва инспекциялар фаолияти ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Шу билан бирга, бино ва иншоотларнинг сейсмик ҳолатини баҳолашда илк бор рақамлаштириш амалиёти йўлга қўйилди. Электрон техник паспортлар жорий этилди, улар орқали ҳар бир қурилиш майдонининг сейсмик ҳолати, лойиҳада қўлланган материалларнинг мустаҳкамлик кўрсаткичлари ҳақидаги маълумотлар “pasportbino.uz” платформаси орқали онлайн кузатиб боришмоқда.

Мазкур тизим орқали юртимизнинг турли ҳудудларида жойлашган минглаб кўп қаватли уйлار рўйхатга олинди. Масалан, Наманган вилоятида 1476 та кўп квартиралли турар жой ушбу платформага киритилди. Улар инструментал-техник текширувдан ўтказилди, визуал кўрик натижасида 384 та уй сейсмик жиҳатдан заиф деб топилди. Улардан 55 таси аллақачон бўзиб ташланиб, улар ўрнида замонавий ва зилзилабардош турар жойлар қуриш ишлари бошланган. Бу тизим фақат назорат функциясини эмас, балки уй-жойлар реновацияси, техник ҳолатни баҳолаш ва шаҳарсозлик нормаларига мувофиқлигини таъминлашда ҳам асосий востита сифатида хизмат қилмоқда.

Қурилиш соҳасида сейсмик изоляция технологияларини жорий этиш ва халқаро тажрибани ўрганиш ҳам долзарб вазифалардан биридир. Япония, Италия ва Туркия каби давлатлар билан бу йўналишда самарали ҳамкорлик олиб бориляпти. Япониянинг ЛІСА агентлиги билан биргаликда халқаро симпозиумлар ташкил қилиниди, Италиянинг Турин политехника университети билан эса зилзилабардош қурилиш бўйича ўқув дастурлари ишлаб чиқилган. 2023 йилда “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси мутахассисларини сертифицирлаш тизими” йўлга қўйилиб, ҳозиргача 9835 нафар мутахассис малака ошириш қўрсларида қатнашган. Бу эса соҳада илмий, касбий ва амалий ёндашувларнинг ўсишига замин яратмоқда.

Сейсмик хавфсизлиكنи таъминлашда илмий тадқиқотлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Сейсмология институти ҳамда лойиҳа ташкилотлари ҳамкорлигида Тошкент, Чирчиқ, Жиззах шаҳарлари учун сейсмик микроҳудудлаштириш хариталари тузилди. Бу хариталар шаҳарсозлик режаларини ишлаб чиқишда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунга келиб, амалга оширилаётган ислохотлар натижасида сейсмик хавфсизлик бўйича муайян илдамлаш кўзга ташланади. Бироқ қурилиш объектларида техник ва лойиҳавий талабларга тўлиқ риоя этилмаётган ҳолатлар ҳам аниқланаётгани бор гап. Камчиликларни бартараф этиш, назоратни кучайтириш ва масъулиятни ошириш бўйича аниқ кўрсатмалар берилган. Чунки сейсмик хавфсизлик фақат қурилиш соҳаси мутахассисларининг эмас, балки бутун жамиятнинг ҳаётий манфаатларини таъминлайдиган умумдавлат вазифасидир.

Юртимизда қурилаётган ҳар бир уй ва иншоот нафақат бугунги кун талабларига, балки келажак авлодлар хавфсизлиги ва фаровонлигига хизмат қилиши керак. Давлатимиз томонидан бошланган сейсмик хавфсизлиكنи таъминлашга қаратилган кенг қамровли, тизимли ва стратегик ёндашув аҳолининг ҳаёти, мулки ва барқарор келажиги учун мустаҳкам пойдевор яратишга хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, қурилиш соҳасида хавфсизлик давлат ва жамият учун устувор масала бўлиши керак. Чунки ҳар бир қурилаётган бинода инсонлар яшайди, ишлайди, оилалар турмуш кечиради. Шу боис, ҳар қандай қурилиш авваламбор одамлар ҳаёти учун хавфсиз бўлиши шарт.

Сардор ТОЛИБОВЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЮЛДУЗЛАРГА ЯҚИН ҚИШЛОҚ

МАЙДАНАКДАГИ ЭКОТУРИЗМ АҲОЛИ ДАРОМАДИНИ ОШИРМОҚДА



Бугуннинг гапи

Осмон жисмларини ўрганувчи мутахассислар фикрича, юлдузлар қуруқ, буг ҳам бўлган ҳудудларда яхши кўринади. Юртимизда даштли ҳудудлар кўп. Даштли жойларда сув бугларни кам бўлгани учун юлдузларнинг нури бизга ўзгармасдан етиб келади.

Мамлакатимиздаги битта ҳудуд юлдузлар ҳақидаги мана шундай қимматли маълумотларни олиш, уларни кузатиш учун дунёдаги энг қулай санокли масканлардан бири ҳисобланади. Бу — Қамашни туманидаги Майданак қишлоғи. У ердаги Майданак обсерваториясининг астрономлари дунёдаги энг яхши астрономик бўлиб, юлдузлар ҳудди кафтингизда тургандек аққол кўринади. Бир йилда 200 кундан ортиқ тиниқ тунги осмон атмосферида ниҳоятда мусаффолиги, ёқимли экологик шароити билан бу жой космик кузатиш ишларини олиб бориш учун энг қулай объект деб топишган.

Майданак денгиз сатҳидан 2753 метр баландда жойлашган. Қолаверса, атроф горизонти катта очиклиги, атмосферанинг юқори даражада тиниқлиги, табиий ва экологик мусаффолиги астрономик учун муҳим. Булут билан қопланиш даражаси, шамоил ва температура режими, атмосфера босими ва нисбий намлик каби метеорологик элементлар Майданак учун алоҳида аҳамият касб этиб, дунё олимлари томонидан тан олинган.

Ўзига хос табиати, сўлим ҳавоси эса экотуризм шайдоларини доим оҳанрабодек жалб этиб келади. Шу сабаб бугун бу манзилда туризмини ривожлантириш учун қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 28 ноябрдаги “Қашқадарь вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори кўра, ҳозир Майданак обсерваторияси ҳудудида туризм объектилари барпо этилмоқда. Йўллар таъмирланиб, инфратузилма яхшиланиши натижасида ҳудудда таширф буюрувчи сайёҳлар сони ортмоқда. Натижада хизматлар сифатини оширишга, савдо шохобчалари ташкил этишга эҳтиёж сезилган. Бу эса шу ҳудуддаги Катта Ўра маҳалласи аҳолисининг ўзини ўзи банд қилишига замин яратмоқда.

Жумладан, атрофи баланд арчазорлардан иборат бўлган мўъжазгина тоғли Чит қишлоғи бугун сайёҳларга турли хизматлар кўрсатишни йўлга қўймоқда. Хусусан, аҳоли томонидан

тайёрланган қурутнинг доврўғи бутун мамлакатга ёйилган. Чит қурутларининг бу қадар танилишига сабаб шунки, қишлоқ чорваси доим атрофдаги шифобахш гиёҳларга бой тоғ ёнбағирларида ўтлайди. Улардан соғиб олинган сут ва ундан тайёрланган қатик, қорин ёғи ва қурут каби махсулотлар ўзгача таъмига эга. Бу таъмини ҳис қилган киши борки, у маҳаллий ёҳуд хорижлик сайёҳ бўладими, шу манзилни ахтариб келиши аниқ.

— Қишлоғимиз тоғли ҳудудда жойлашгани боис, чорва молларини қочишга имконият бор. Сигир соғиб, сут-қақиқ қиламиз. Тайёрланган қурутларимиз эса анча машхур бўлиб кетган, — дейди шу қишлоқда яшайдиган Саодат Бозорова. — Қурутларимиз сифатининг сири унинг мутлақо табиий



йўл билан тайёрланишида. Яъни сутни пишириш, қатик қилиш, кейин зардобини сиздириб, қувида пишиб қаймоғини олиш — ҳамма-ҳаммаси момомерос услубда бажарилади. Сепаратор ёки бошқа ускуналарни ишлатмаймиз. Барчаси қўл меҳнати маҳсули. Гоҳида қизикувчилар келиб, тайёрланиш жараёнлари билан танишади. Ўзлари амалда бажариб қўриб, махсулотдан харид қилиб кетади.

Чит қишлоғи ва унинг атрофидаги арчазорларга бой сўлим табиат ҳамиша дам олувчилар эътиборини торттиб келган. Айниқса, иссиқ кўнлар бошланиши билан у ердан сайёҳлар қадами аримайди. Бу ҳам қишлоқда етиштирилётган сут махсулотлари ва қурутлар хариддорлигини таъминлайди.

— Баҳорда кўнлар исий бошлаган, қишлоғимиз атрофида дам олишга келувчилар кўпаяди, — дейди Дилфуза Норқўчорова. — Туризм ривожланиши биз учун ҳам анча яхши бўлади. Илгари фақат то совуқ кўнлар тушгунча савдомиз юришган бўлса, энди доимий хариддорларимиз бўлади. Бу ерга келувчи меҳмонлар қурутларимиздан, қатик ва қорин ёғидан кўп сўрайди. Буюртмага қараб тайёрлаб бераверамиз. Бундан ташқари, махсулотларимиз пойтахтгача кетади. Ўлтуржи нархларда сотамиз. Даромадимиз шундан. Ўйда ўтириб, хотин-қизлар бир ойда камида беш-олти миллион сўм ишлаб топади. Бекорчи одамнинг ўзи йўқ.

Биргина қурутчилик қишлоқдаги ишсиз хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаб, даромад топишига сабаб бўлмоқда. Буни яхши анлаган шу қишлоқлик ёш тадбиркор Мусулмон Хўжақулов. — Туризмни ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳаларга кўра йўлларимиз анча яхшиланимоқда. Бунинг эъзига табиатсавар меҳмонларнинг ташири тобора кўпаймоқда. Бу биз каби маҳаллий аҳоли вакиллари қўшимча даромад топишига имкон яратяпти. Аввал қишлоқ аёллари қурут қилиб, сотишнинг имконини топа олмасди. Бозор олмасди. Шаҳар марказига бориб келгунча анча вақт кетади. Энди улар қурутларни қишлоқдан чиқмай меҳмонларга сот-

моқда. Бундан ташқари, уй шароитида тайёрланган сут махсулотларини сотиб олишни йўлга қўйди. Ҳозир қишлоғимиздаги кўпчилик уй бекалари ойнага ўртача беш-олти миллион сўмдан даромад топишади.

Мўъжазгина қишлоққа борган киши ўзга дунёга тушиб қолгандай ҳайратланади. Бойси, элликтага яқин хонадондан иборат бу манзил ҳайбатли арчазор ичида жойлашгани билан қишини ром этади. Лекин одамлари меҳнаткаш. Бекор ўтиришни ёмон кўради. Шу сабаб ҳеч бири камбағаллик нима эканини билмайди.

— Маҳалламизнинг умумий аҳолиси 3200 нафарни ташкил қилади ва унинг 4 та қишлоқ қарайди, — дейди “Қатта Ўра” МФЙдаги ҳоким ёрдамчиси Зокир Рўзиев. — Қўриб турганингиздек, қишлоқларимиз сўлим табиатли. Шу боис, кейинги йилларда туризм йўналишини бўйича тадбиркорларимиз томонидан кўплаб лойиҳалар амалиётга татбиқ этилмоқда. Яъни қишлоқнинг Майданак обсерваториясигача бўлган йўл ёқасида ўтовлар ташкил қилиниб, дам олувчиларга шароит яратилмоқда. Ҳозирги кунда бундай тадбиркорлар сони 30 дан ошди. Чит қишлоғи одамлари ҳам азалдан қурутчилик билан шугулланиб келган. Шу қишлоқлик ёш тадбиркор Мусулмон Хўжақуловга фаолиятини янада ривожлантириши учун имтиёзли кредит ажратишга кўмаклашдик. Бу каби лойиҳаларни келгусида янада кенгайтириш орқали ишсиз фуқароларимизнинг бандлигини таъминлаш, даромадларини оширишни мақсад қилганимиз.

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



30 июль —

Халқлар дўстлиги куни

ОҒИЗБИРЧИЛИК МАҚСАДЛАРИМИЗ МУШТАРАКЛИГИ, БИРДАМЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ГАРОВИ



Назира МАТЯҚУБОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
Жўқорғи Кенгеси депутаты,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
журналист

Бошланиши 1-бетда

Анча кичкина эдик. Тўй-маъракаларда, баъзида шунчаки ҳам уйимиз гавжум бўлиб кетарди. Бобомнинг укалари, амаки боболаримиз оиласи, фарзандлари билан тез-тез меҳмон бўлар, суҳбатларида бирга ўтган болаликларини кўп эслашарди. Биз уларга ота деб мурожаат қилардик.

Роман отамизнинг бозорда кичкинагина растаси бўлиб, қуруқ мева сотарди. Худойберди отамиз чўпон эди. Яйловда қўй боқарди, ўтови ҳам бор эди. Эрмохон отамиз шаҳарда яшарди. Фарзандлари Қозоғистондаги институтларда ўқирди. Биз бобом билан шаҳарга тушсак, албатта, унинг уйига борардик. Меҳмон бўлардик. Кейин Роман отамизни йўқлаб бозорга ўтардик. Бобом иккаласининг гаплари ҳеч тугамас, бу вақтда мен раста устидаги чақ-чуқларнинг анча баракасини қоирардим. Гоҳида яйловга кетардик, Худойберди отамиз бизни барра гўшт билан сийларди.

Хуллас, улар билан қозони бўлак, ташвиши бир оила эдик. Улар бобомни “ога” дерди. Токи, барчаси бу дунёдан ўтиб кетгунча шундай бўлди. Энди эсласам, уларнинг

шевалари бизникидан фарқ қиларди. Уйлари-га борганимизда ҳам аёлларни бошқа миллий кийимларда кўрардик. Қисқаси, биз ёшимиз унлағунича Роман отамиз тожик, Эрмохон отамиз қозоқ, Худойберди отамиз туркман эканини ва улар бобом билан туғишган ака-ука эмаслигини сезмабмиз ҳам.

Кейинчалик, онамнинг айтишича, бобомнинг отаси Олланазар бобо йўқчилик замонларида уларни ўз тарбиясига олиб вояга етказган экан. Ҳар қалай бобомнинг бир қозондан 36 ака-ука овқат ердик, деган гапларини ҳали-ҳануз эслайман. Тарихимизда бундай ҳолатлар ҳам кам эмас. Зеро, боланинг бегонаси бўлмайди деган ибора жамиятимизда бугун пайдо бўлмаган. Уруш йиллари халқимиз миллати, дини, келиб чиқишига қарамай, минглаб болаларни бағрига олганининг ўзи бунга исботлайди.

Она заминимизда азалдан турли миллат вакиллари бир-бири билан дўст, қадрдон бўлиб, ҳамжиҳатликда яшаб келаётганини исботлайдиган, одамни ҳаяжонга соладиган, тўлкинлантирадиган, шунингдек, гурур ва ифтихорга тўлдирадиган юқоридаги каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Турли миллатга мансуб бўлсалар-да, бир маҳаллада ўсиб, бир мактабда ўқиб, бир жамоада меҳнат қилиб туғишгандан зиёда бўлиб кетганлар қанча. Она тилида эмин-эркин мулоқот қилса, санъати, маданияти, қадрият-

лари, эътиқоди ва аъёналарига садоқатини намоён эта олса, ўзини ҳеч кимдан кам ҳис қилмаса, ҳар қандай миллат вакили учун бундан ортқ саодат борми?

Юртимизда эса ана шундай муҳит яратилган. Ўзбекистон дунё миқёсида бағрикенг юрт сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Ватанимизда бугунги кунда 130 дан ортқ миллат ва элат ҳамда 16 та диний конфессия вакиллари тинч-тотув, аҳил-иноқ, ҳамжиҳат бўлиб яшамокда. 157 та миллий-маданий марказ ва 38 та дўстлик жамияти фаолият кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарорида ҳам Мустақиллик байрамига бағишланган чора-тадбирларни амалга оширишда алоҳида эътибор қаратиладиган устувор йўналишлар белгилаб берилар экан, улардан бири сифатида кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимиздаги тинчлик, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳити бизнинг бебаҳо бойлигимиз экани, уни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолиши зарурлиги кўрсатилди.

Алоҳида эътироф этиш лозимки, ҳар йили Халқлар дўстлиги куни муносабати билан ўтказиладиган фестиваллар, давра суҳбатлари, ижодий мулоқотлар, кўргазмалар, халқаро конференция ва бошқа маданий-маърифий тадбирлар Мустақиллик

байрами тантаналарига улашиб кетади. Бу эса “Ўзбекистон — умумий уйимиз” деган эзгу гоя жамиятимизда ҳукми сураётган миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳити, тинчлик ва оқсоқилликнинг амалий ифодасидир.



Қорақалпоғистон Республикасининг ўзидан бешта — қозоқ, туркман, рус, украин, корейс миллий-маданий марказлари мавжуд. Улар 2022 йил январда фойдаланишга топширилган, барча шароитларга эга “Дўстлик уйи”да фаолият юритади. Мазкур миллий-маданий марказлар давлат томонидан замонавий техник ускуналар, музикаий асбоблар, мебель жиҳозлари, миллий либослар билан таъминланган.

Бу масканларда мунтазам равишда умуммиллий байрамлар, фестиваллар, концерт ва учрашувлар, танкили маданият арбобларининг чиқишлари, семинар ва конференциялар ўтказилиб борилади.

Нукус шаҳридаги “Оққуш” мажмуасида ҳам қорақалпоқ, қозоқ, туркман, қирғиз, бошқирд каби туркий халқлар ҳамда Қорақалпоғистон туманларининг ўтовлари ташкил этилган. Уларда қардош эларимиз тарихи, маданияти ва турмуш тарзи ўз ифодасини топган. Президентимиз ўтган йил 19-20 август кунлари мажмуага ташриф буюрганида “Бизнинг томиримиз, тақдиримиз бир. Мана шундай тадбирларни

кўпайтириб, биргаликда фестиваллар ўтказиб, халқлар дўстлигини янада мустаҳкамлаш керак. Миллий ҳунарларни асраб, ёш авлодга етказиш, бу бўйича шоғирдлар тайёрлаш, болалар учун ўз она тилида китоблар чиқаришни кенгайтириш зарур”, деган эди. Дарвоқе, мажмуадаги энг катта ўтовнинг диаметри 42, баландлиги 22 метр, шу боис, Гиннесснинг рекордлар китобига киритилган.

— Қорақалпоғистон Республикасида 300 мингга яқин қозоқ миллатига мансуб аҳоли яшайди, — дейди Қорақалпоғистондаги қозоқ миллий-маданий маркази раҳбари Асқар Умбетов. — Дўстлик ҳафталигига катта тайёргарлик кўридик. Асосий тадбирлар Нукус шаҳри, Элиққашла ва Тахтақўпир туманларида ўтказилади. Бу тадбирларда Қорақалпоғистондаги барча миллий-маданий марказлар иштирок этади. Албатта, олижаноб мақсад йўлида бир ҳафта давомида ўтказиладиган фестивал тадбирлари халқимизни янада бирлаштиради, ҳамжиҳатчилигини мустаҳкамлайди.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий маданиятлар, санъат ва қадриятлар

ни нафақат сақлаш, балки кенг тарғиб қилиш ҳамда ривожлантириш учун юртимизда барча шароитлар яратилган. Мисол учун, қозоқ халқининг оқинчилик аъёнаси тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Уни бугун ёшларимиз ҳам ўрганмоқда. Яқинда ёш оқинларимиз Қирғизистон ва Мўғулистонга бориб санъатини намойиш этиб қайтди.

Ҳозир Қорақалпоғистонда 150 дан ортқ мактабда 20 мингдан зиёд фарзандларимиз қозоқ тилида таълим олади. Ҳар йили Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида 300 нафар, Қорақалпоқ давлат университетидида 30 нафар кадр қозоқ мактаблари учун тайёрланади.

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнлари ўзбек, қорақалпоқ, рус, тожик, қозоқ, қирғиз ва туркман тилларида олиб боришмоқда, қардош тили мактабларда ўқиётган ўқувчилар давлат ҳисобидан дарслик ва бадий адабиётлар билан таъминланади.

Янги таҳрирдаги Конституциямизнинг 4-моддасида Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарини ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади деб қатъий белгилаб қўйилган. Бугун мамлакатимизда яшайдиган қардош халқлар нафақат ўз она тилида сўзлашади, балки ўқийди, ижод қилади, уни ривожлантиради ҳам.

Диримизнинг қайси гўшасига борманг, юртимизда умргўздорлик қилаётган турли миллат вакиллариининг шўҳ-шодон куй-ўқиқлари янграётган тантаналарига гувоҳ бўласиз. Мамлакатимизда Халқлар дўстлиги кунининг кенг нишонланиши ҳам азалдан ардоғимизда бўлган дўстлик деб аталувчи муқаддас риштаннинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

“Оғизбирчиликдан айирмасин” деган гап бор қорақалпоқда. Зеро, таракқиётимиз асоси бўлиб келаётган энг муҳим омили бу юртимиздаги турли миллат вакиллариининг мақсадлари муштараклиги, дўстлиги, бирдамлиги ва ҳамжиҳатлигидир.

ТУРФА ҚАЛЪЛАР ТУТАШГАН МАҚОН

Маҳалламизда Света опа деган қўшимчи бор. Қандай тадбир бўлмасин — тўйми, маъраками, она бош-қош. Айниқса, Наврўз байрамига роса “жон киргизади”. Қизалоқларга миллий либослар кийгизиб, сочларини зийнат билан ўриб, сахнага олиб чиқади. Миллий қўшиқлар айттиради, рақсга ундайди. Ўша қадрли янгамиз — Светлана Иванова ҳақида баъзилар жуда кўп нарсани билмайди. У қаердан келган, миллати нима? Бизни ҳеч қачон қизиқтирмаган. Биз учун бу муҳим эмас. Чунки у ўзимизнинг Света опа. Фарзандларимизнинг сеvimли момоси, бир сўз билан айтганда, оиламиз аъзоси.

Асли Ўзбекистон — опа тимсолидагидек кўп миллатли халқимиз учун катта бир оила. Бу Ўзбекистоннинг ўзига хос юзи, дунёга намуна модели бўла оладиган бағрикенглик фазилати. Бизда миллатлар, тиллар, урф-одатлар турли бўлиши мумкин, аммо ватан туйғуси, садоқат, меҳр, аҳиллик умумийдир.

Бугун мамлакатимиздаги барча миллат ва элат вакиллари эмин-эркин, ўзаро тотув яшаши учун барча шарт-шароит яратилган. Янги Ўзбекистоннинг жозибали ва бардавом ислохотларига ҳам жамиятимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Бу аъёналар ҳар йили Ўзига хос байрам сифатида кенг нишонлаб келинаётган 30 июль — Халқлар дўстлиги кунинида янада яққолроқ намоён бўлади.

Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ана шу ҳамжиҳатлиқни янги босқичга олиб чиқди. Жумладан, Республика байналмиллий маркази Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасига айлантирилди. Қўмита зиммасига жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни

таъминлаш, тинчликсевар сиёсатни изчил амалга ошириш вазифаси юкланди. Қўмита биноси ёнида миллатлар ва элатларни ҳамжиҳатликка қорловчи Дўстлик боғи барпо этилган. Эса эзгу ташаббусларнинг амалиётга қўшилиши рамзи бўлди. Бугун қўмита ҳузуридаги 157 та миллий-маданий марказ ва 38 та дўстлик жамияти ҳар бир миллат ва элат вакилининг тили, маданияти, урф-одатларини ўрганиш ва ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ўтган даврда миллий-маданий марказларнинг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида давлат томонидан замонавий техник ускуналар, музикаий асбоблар, мебель жиҳозлари, миллий либослар билан таъминланди. Уларнинг фаолияти учун энг кўркам бинолар ажратиб берилди. Бу масканларда умуммиллий байрамлар, фестиваллар, концерт ва учрашувлар, танкили маданият арбоблари чиқишлари, семинар ва конференциялар мунтазам ўтказиб келиняпти. Бугун “Ўзбекистон — умумий уйимиз” эзгу гояси барча миллий-маданий марказлар широгига айланди. Бу жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳити, тинчлик ва оқсоқилликнинг амалий ифодасидир.

Албатта, халқимизнинг бағрикенглиги юртимизда асрлар давомида шаклланган барчага тенг, самимий, дўстона муносабатда бўлиш қадрият даражасига кўтарилгани билан боғлиқ. Халқимиз азал-

дан ўзга эллар билан борди-келди, қудандили бўлган бағрикенг эл. Бир неча йиллар чегаралар ёпиқлиги боис, ўзга юртдан келин бўлиб тушганлар ҳатто ўз яқинлари тазиясига ҳам бора олмаган ҳолатлар кўп бўлди. Бугун бир дарё сувида ичиб келган қадрдон қўшинлар — Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Афғонистон ва бошқа халқлар билан яна борди-келди

лиши натижасида мана шундай нотенгликка барҳам берилди. Кўплаб юртдошларимизга фуқаролик берилиб, улар ватанимизнинг тенг ҳуқуқли фуқароларига айланди.

— Тақдир тақозоси билан 1989-1996 йилларда Қозоғистон Республикасида яшаб, меҳнат қилишимга тўғри келган, — дейди Самарқанд шаҳрида яшовчи Исмоил Алиев. — Юртимизга қайтиб келганимдан



қиялпмиз, қиз олиб, қиз берялмиз, муносабатлар жойида. Бунга эса юртимизда яхши қўшничилик, миллатлар, халқлар ўртасида тинчлик, тотувлик, бағрикенглик тамойилини вақтида кенг жорий этилгани асос бўлди. Яна бир оғрикли муаммо — яқин-яқинга-ча фуқаролар мақоми билан боғлиқ муаммо ҳам бор эди. Шу ерда яшаётган, аммо турфа сабаблар туфайли Ўзбекистон фуқароси деган шарафга муносиб кўрилмаганлар кўп эди.

Кейинги йилларда ушбу йўналишдаги ислохотлар, қонунчиликнинг такомиллаштири-

сўнг меҳнат фаолиятини давом эттирдим. Ҳозир икки фарзандим бор. Оиламдан ҳам, ишимдан ҳам кўнглим тўқ. Ватанимизда тинч, фаровон яшаямман. Узоқ йиллар кўнглимда бир армон бор эди — шу юрт фарзанди бўла туриб, Ўзбекистон фуқароси эмас эдим. 2017 йил ана шу армоним ушладди. Бугун қўлимда Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги паспорти бор. Бу — ватан ишончи. Бунга оқлаш учун келгусида юртим равнақига ҳисса қўшишга бугун борлигимни бағишлайман.

ҳамда бошқа моддий-техник воситалари билан тўлиқ таъминланган. Шунга муносиб тарзда биздан қалай қилинадигани изланиш, ўз устимизда ишлаш, касбий малака ва маҳоратимизни оширган ҳолда фарзандларимизни замонавий билимларни мукаммал эгаллаган, юрт эртасига муносиб ўғил-қизлар қилиб камол топтиришда муносиб ҳисса қўшамиз, — дейди Ольга Степанова.

Яна бир жиҳат, ҳар бир фуқаро — миллат, тил ва маданиятдан қайси назар, ахборот ва янгиликларни тенг даражада олиш ҳуқуқига эга. Бу фақат демократик жамиятнинг эмас, балки инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳам асосий қўрсаткичидир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон ахборот маконига кузатилаётган муҳим ўзгариш тиллар хилма-хиллигининг жадал ўсиб боришидир. Айни пайтда юртимизда фақат хорижий тилларда ахборот тарқатишга ихтисослашган 283 та оммавий ахборот воситаси фаолият юритмоқда. Тилларнинг 131 таси 2017 йилдан кейин ташкил этилган. Шу билан бирга, ўзбек ва бошқа тилларда материаллар эълон қилувчи 1517 та ОАВ мавжуд бўлиб, шулардан қарийб 80 фоизи — 1203 таси сўнгги саккиз йилда очилган. Бу эса мамлакатда ахборот сиёсати қандай даражада либераллашганини, турли тил ва маданиятларга нисбатан қандай бағрикенг муносабат шаклланаётганини яққол намоён этади. Ўзбекистон ахборот майдони бугун нафақат ўзбек тили, балки рус, инглиз, тожик, қозоқ, қорақалпоқ, немис, турк ва бошқа тилларда фаолият юритаётган ОАВлар учун ҳам очик. Мазкур жараён халқлар дўстлиги ва тиллар тенглигини таъминлашга қаратилган ислохотларнинг амалий натижасидир.

Ҳа, бугун миллатлараро ҳамжиҳатликни асраб-авайлаш, пойдеворини мустаҳкамлаш келажақ авлод учун энг улуг меъросдир. Зеро, ҳамжиҳатлик қучли қурол, бағрикенглик эса инсонийликнинг олий намоёнидир. Зотан, бугунги Ўзбекистон фақат географик ҳудуд эмас, балки турфа миллатларнинг қалби бир нуқтада кесишган, орзу ва интилишлари муштарак бўлган муқаддас замин.

Шухрат НОРМУРДОВ,
журналист

3

2025 йил 30 июль, 154-сон

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ ЎТА ИЖОБИЙ БУ НИМАЛАРДАН ДАЛОЛАТ БЕРАДИ?

Дурбек АХМЕДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
депутати, иқтисодиёт фанлари
доктори, профессор

Бошланиши 1-бетда

Бунга тўхталишдан олдин таъкидлаш ўринлики, маслаҳатлашувлар жараёни ушбу нуфузли халқаро тузилма фаолиятини белгилловчи унинг асосий юридик ҳужжати — Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) келишуви асосида ўтказилди. Одатда ҳужжатга асосан, ҳар йили Халқаро валюта жамғармаси ва ҳар бир аъзо мамлакат ўртасида маслаҳатлашув ўтказилади. Бу жараён доирасида ташкилотнинг бир гуруҳ ходимлари мамлакатимизга ташриф буюриб, иқтисодий ҳамда молиявий вазиятни таҳлил қилиди ва расмийлар билан иқтисодий сиёсат муҳокама этилади. Маслаҳатлашувлар мамлакатнинг иқтисодий сиёсатини баҳолаш, юзага келиши мумкин бўлган хавф ва муаммоларни аниқлаш учун хизмат қилади.

Бу гагли таҳлиллар натижаларига кўра, юртимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг моҳияти тўғрисидаги асосий хулоса шундай бўлди: **Ўзбекистон иқтисодий тараққиётининг истиқболлари ўта ижобий.** Эълон қилинган ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистоннинг иқтисодий кўрсаткичлари юқориликчи қолмоқда. Барқарор ўсиш суръатлари, консолидацияланган бюджет ҳамда жорий операциялар ҳисоби тақчиллигининг қисқариши ва халқаро захираларнинг етарли даражаси борлиги шулар жумласидан.

Жамғарма мутахассисларининг фикрича, таркибий ислохотларнинг муваффақиятли ва самарали амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг кулай истиқболлари тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради. ХВЖнинг асосий сценарийсига мувофиқ, глобал савдо сиёсатининг юқори даражадаги ноаниқлигига қарамай, мамлакатимизда келгуси йилларда реал ялли ички маҳсулотнинг ўсиши барқарор юқори даражада сақланиб қолиши прогноз қилинмоқда. Ушбу жараёнлар кейинги йилларда олиб борилаётган иқтисодий очиқлик, саноатлаштириш ва фаол инвестиция сиёсати, иқтисодиётнинг истиқболли тармоқларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини шакллантиришни қўллаб-қувватлаш натижасидир.

Таъкидлаш жоизки, олиб борилаётган ислохотлар мамлакатни узоқ муддатли барқарор ривожлантириш учун мавжуд ички ресурс ва захиралардан келиб чиқиб, амалга оширилмоқда. Изчил бозор ислохотлари сиёсати янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлаш восталари ва тадбиркорлик ташаббуси имкониятларини моҳирона уйғунлаштириш имконини бермоқда.

Инвестиция лойиҳалари қиймати қарийб 8 баробарга ошди

Сўнгги йиллардаги очиқлик сиёсати, барқарор иқтисодий ўсиш стратегияси натижасида мамлакатимизга халқаро миқёсда ишонч тобора ортапти. Бунинг самарасида юртимизга киритилаётган хорижий сармоялар ҳажми изчил ўсиб бормоқда. 2017-2024 йилларда ўзлаштирилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 113 миллиард доллардан ошди. Шу билан бирга, уларнинг саксон фоиздан ортиғи тўғридан тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар ҳиссасига тўғри келишини таъкидлаш лозим. Саноатнинг етакчи тармоқлари ва ёқилги-энергетика комплексида иқтисодий фаоллик кузатишмоқда, бу эса мамлакатнинг деярли барча ҳудудларида саноатлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга ижобий таъсир кўрсатапти.

Хитой, Россия, Германия, Туркия, Саудия Арабистони, Голландия, АҚШ, Буюк Британия ва Европа Иттифоқи давлатлари билан инвестицион ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида аҳамият берилаётгани инвестициялар ҳажминини ошириш билан бир қаторда илгор технология ечимлар ва экспертиза, бошқарув усулларини жалб қилиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, истиқболли тармоқлар ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга хизмат қилаётир. Бинобарин, жалб этилаётган инвестиция ресурслари асосан мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва модернизациялаш ҳамда илгари

2025 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига кўра, экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан 33 фоизга ўсиб, 17 миллиард долларга яқинлашди. Йил бошидан буён экспортёрлар қаторига 1557 та маҳаллий корхона ва компания қўшилди, уларнинг ҳиссасига 650 миллион долларлик экспорт товарлари тўғри келди.

мавжуд бўлмаган янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Сўнгги 8 йил мобайнида инвестиция дастурлари доирасида қарийб 100 миллиард долларлик 96 мингдан зиёд лойиҳа ишга туширилиб, 1,8 миллионга янги иш ўрни яратилди. Ўзбекистоннинг фаол инвестиция сиёсати натижасида 2024 йилда 2017 йилга нисбатан ишга туширилган инвестиция лойиҳалари қиймати қарийб 8 баробарга, иш ўринлари сони эса 2,6 баробарга ошди.

Инвестиция сиёсати ҳақида гапирганда, давлатимиз раҳбарининг бу жараёнга шахсан аралашуви омилини таъкидлаш ўринли. Зеро, олий даражадаги тариф ва тадбирларда жорий йил бошидан буён 75 миллиард долларлик 366 та инвестицион келишувга эришилди. Хусусан, олий даражадаги давлат ташрифлари якунлари бўйича 2025 йилнинг ўтган даврида умумий қиймати қарийб 45 миллиард долларлик 222 та лойиҳа бўйича “йўл хариталари” тасдиқланди.

Бундан ташқари, тўртинчи Тошкент инвестиция форуми доирасида 144 та қўшма лойиҳани амалга оширишга йўналтирилган 30 миллиард доллардан ортиқ сармоя киришти бўйича келишувларга эришилди. Жорий йилнинг апрель ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро кўргазмасида эришилган 43 та инвестицион келишув доирасида мамлакатимиз саноат секторига қўшимча 1 миллиард доллар жалб қилиш кўзда тутилган.

Янги салоҳиятли инвесторларни жалб қилиш мақсадида сўнгги йилларда халқаро инвестиция ҳамжамиятларини Ўзбекистонда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари тўғрисида хабардор қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш фаол амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилда 13 та хорижий



давлатда “Ўзбекистон инвесторлари кунлари” ўтказилиб, уларда 700 та нуфузли хорижий компания вакиллари иштирок этди. Ана шундай тадбирларда хорижий сармоядорлар ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича мақсадларга эришиш имконини беради. Ривожланган мамлакатлар бозорларига экспорт қилинаётган товарлар ҳажмининг йилдан йилга ортиб бораётгани танланган стратегиянинг тўғрилигини тасдиқлайди. Мисол учун, экспорт географиясини кенгайтириш ва бозор конъюнктурасига мослик ҳисобига Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг сотув нархлари ўтган йилнинг ўзига ўртача 14 фоизга ошди.

Экспорт йилига 12-23 фоиз атрофида ўсяпти

Ўзбекистоннинг замонавий саноат сиёсатининг муҳим элементларидан бири юқори сифатли ва рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмлар импортини камайтиришдан иборат. 10 мингга яқин лойиҳа киритилган маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, 2020-2024 йилларда қарийб 300 триллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиб, қарийб 25 миллиард долларлик импорт ўрни қопланган. Маҳаллийлаштириш дастури илгари импорт қилинган товарларнинг янги ишлаб чиқаришларини ташкил этиш, саноатнинг тармоқ тузилишини ўзгартириш, кенг турдаги маҳсулотлар ва хизматларнинг таъси таъминотиغا қарамлигини камайтириш имконини беради.

Экспортга йўналтирилганлики шакллантириш Ўзбекистонни саноатлаштириш бўйича белгиланган режаларни амалга оширишда муваффақиятга эришишнинг асосий шартларидан бири бўлди. 2017-2024 йилларда экспортнинг умумий ҳажми 132 миллиард доллардан ошди. Эътиборлиси, ушбу даврда мамлакатимиз экспортининг ўртача йиллик ўсиш суръати 12-23 фоизни ташкил этди. Экспортчиларни тизимли ва манзилли қўллаб-қувватлаш натижасида биргина 2024 йилнинг ўзига маҳаллий маҳсулотлар экспорти географияси 55 та давлатга кенгайди, сўнгги 8 йилдаги бу каби кенгайишлар ҳисобига эса 186 тага етди. Яна бир эътирфдорга лойик натижа: ўтган йили экспортчи корхоналар сони 3 мингтадан зиёдаг кўпайиб, уларнинг умумий сони 7,5 мингга яқинлашди.



Биргина юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар экспорти улшунинг ортиши ҳисобига 2024 йилда уларнинг ташқи бозорларга етказиб берилиши 1 миллиард долларга ошди.

Янги истиқболли бозорларга чиқиш, ўз навбатида, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини сезиларли даражада оширишни ва уларнинг халқаро стандартларга мувофиқ бўлишини талаб қилади. Шу мақсадда биргина “GSP+” дастури доирасида 5 мингдан ортиқ корхонада Global GAP, Organic, OEKO-TE, BSCI, CE тизими бўйича маҳсулотларимизни маркировкалаш сертификатларини олиш ва ISO стандартларига ўтиш бўйича комплекс ташкилий-техник чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу, ўз навбатида, ўтган йилнинг ўзига Европа Иттифоқи мамлакатларига 1,4 миллиард долларлик 617 турдаги маҳсулот экспортини қўшимча равишда таъминлаш имконини берди.



Маҳсулот сифатига кўпроқ талабчан стандартлар ва технологик жараёнларга ўтиш бўйича фаолият — янги бозорларда мутлақо ўзгача сифатдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича мақсадларга эришиш имконини беради. Ривожланган мамлакатлар бозорларига экспорт қилинаётган товарлар ҳажмининг йилдан йилга ортиб бораётгани танланган стратегиянинг тўғрилигини тасдиқлайди. Мисол учун, экспорт географиясини кенгайтириш ва бозор конъюнктурасига мослик ҳисобига Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларининг сотув нархлари ўтган йилнинг ўзига ўртача 14 фоизга ошди.

Мамлакатимиз замонавий иқтисодий ривожланишининг индустриал тренди бир қатор тармоқларда технология силжишни таъминлаб, экспорт номенклатураси жадал эволюциясига сезиларли таъсир кўрсатди. Агар яқиндагина Ўзбекистон пахта



СўНГГИ 8 ЙИЛ МОБАЙНИДА ИНВЕСТИЦИЯ ДАСТУРЛАРИ ДОИРАСИДА ҚАРИЙБ 100 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРЛИК 96 МИНГДАН ЗИЁД ЛОЙИХА ИШГА ТУШИРИЛИБ, 1,8 МИЛЛИОНТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ФАОЛ ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ НАТИЖАСИДА 2024 ЙИЛДА 2017 ЙИЛГА НИСБАТАН ИШГА ТУШИРИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ ҚИЙМАТИ ҚАРИЙБ 8 БАРОБАРГА, ИШ ЎРИНЛАРИ СОНИ ЭСА 2,6 БАРОБАРГА ОШДИ.

яккаҳокимлиги остидаги мамлакат сифатида тасаввур қилинган бўлса, ҳозир вазият мутлақо бошқача. Ваҳоланки, яқин ўтмишда пахта маҳсулотлари мамлакат экспорт номенклатурасида деярли ягона етакчи маҳсулот бўлиб, пахта хомашёси экспортида мутлақ устунликка эга эди.

Шу нуқтаи назардан, Халқаро валюта жамғармаси мутахассисларида пахта толаси экспорти улуши 2021 йилдан бошлаб ЯИМга нисбатан 0,2 фоиздан ноль кўрсаткичга пасайгани қизиқиш уйғотади. Бугунги кунда Ўзбекистон тобора кўпроқ юқори технологияли маҳсулотларни экспорт қилмоқда ва 2024 йилга келиб уларнинг номенклатураси 4 минг позицияга етди.

Хусусан, ўтган йили 2017 йилга нисбатан хомашё товарлари экспорти 22 фоизга камайган бўлса, тайёр маҳсулотлар экспорти улуши 3,3 баробар, ярим тайёр маҳсулотлар экспорти 4,4 баробар, хизматлар экспорти 2,9 баробарга ошган.

Шу билан бирга, пахтани чуқур қайта ишлашга ўтиш тивув-трикотаж маҳсулотлари экспортини икки баравар ошириш ва унинг ҳажминин 1 миллиард долларга етказиш имконини берди. Бу мамлакатимизга Россия бозорида тўқимачилик маҳсулотлари етказиб бериш ҳажми бўйича иккинчи ўринга чиқишини таъминлади.

Маҳсулотларимиз жаҳон бозорларида миллий бренд сифатида таниляпти

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар йилдан йилга танилиб, миллий бренлга айланыпти, хорижлик истеъмолчилар орасида ишонч ва машхурликка эга бўлмоқда. Ўтган йили 300 га яқин маҳаллий корхона маҳсулотлари “Alibaba” “Wildberries”, “OZON” каби машхур электрон тижорат платформаларида рўйхатдан ўтказилди. Натижада ушбу корхоналар маҳсулотларининг экспорт савдоси ҳажми 680 миллион долларга етди.

Бундан ташқари, миллий брендлар экспортини рағбатлантириш дастурлари ҳисобига 39 та бренд хорижий бозорларга чиқди ва бу 461 миллион доллар даромад олиш



имконини берди. Ўтган йили мингга яқин экспортёрларга молиявий преференциялар бериш ва қўллаб-қувватлаш ҳажми 439 миллиард сўмга етди, натижада ушбу корхоналарнинг экспорт таъминоти 2,1 миллиард долларни ташкил этди.

2025 йилнинг биринчи ярим йиллиги якунларига кўра, экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу давrigа нисбатан 33 фоизга ўсиб, 17 миллиард долларга яқинлашди. Йил бошидан буён экспортёрлар қаторига 1557 та маҳаллий корхона ва компания қўшилди, уларнинг ҳиссасига 650 миллион долларлик экспорт товарлари тўғри келди.

Шу билан бирга, хомашё экспортдан тайёр юқори технологияли маҳсулот ва хизматлар томон ўтишининг барқарор жараёни давом этаётганини таъкидлаш лозим. Туризм, транспорт, қурилиш ва IT хизматларининг халқаро бозорга чиқиш тенденцияси давом этмоқда. Айни йўналишдаги йилдан йилга кенгайиш ҳисобига уларнинг ўсиш суръатлари баъзан тайёр маҳсулотлар савдосининг ўсиш суръатларидан ошиб кетмоқда.

Умуман олганда, мамлакатимизда хорижий капитални жалб қилиш орқали аниқ экспортга йўналтирилган саноат ривожланишининг стратегик муҳим масалаларини ҳал қилиш учун институционал муҳит шакллантирилган таъкидлаш лозим. Бунинг учун шахсан Президентимиз раҳбарлигида тегишли вазирлик, ушбу комплекс масалаларга масъул бўлган турли давлат идоралари ҳамда давлат ва хусусий сектор ҳамкорлигига қўмаклашувчи нодавлат ташкилотлар ташкил этилди.

Мамлакатимизда инвестиция ва ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши фаолият бошлади. Ушбу орган Ўзбекистон ҳукумати ва юртимизда бизнес юритаётган ёки инвестиция киритаётган инвесторлар, шу жумладан, халқаро молия институтлари ўртасида тўғридан тўғри мулоқот учун институционал платформа вазифасини ўтапти. Кенгашнинг маслаҳат-кенгаш органи сифатидаги фаолияти иқтисодиётнинг устувор тармоқларига тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишни кенгайтириш ва илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда сифатли инвестиция мулоқотини ташкил этишга самарали қўмаклашмоқда.

Инвестицияларни жалб этиш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш мақсадида шу йил 18 июлда Президентимизнинг “Хорижий инвесторлар кенгашининг навбатдаги мажлиси доирасида эришилган келишувларнинг ижросини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Қарор мажлис иштирокчилари томонидан илгари сурилган ташаббус ва тақлифлар, шунингдек, Кенгаш қотибяти фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларнинг тизимли амалга оширилишини таъминлашни назарда тутди.

Тадбиркорлик эркинлашмоқда

Муҳтасар айтганда, мамлакатимизда таъсирчан институционал муҳитни шакллантириш билан бир қаторда жадал индустриал ривожланишни таъминлашнинг қонунчилик базасини такомиллаштириш, инвестиция жараёнларини фаоллаштириш ҳамда тармоқлар ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича изчил ишлар олиб боришмоқда.

Хусусан, сўнгги йилларда давлатнинг бизнесни тартибга солиш бўйича 500 дан ортиқ функцияси бекор қилинди, 70 га яқин функция давлат-хусусий шериклик ва аутсорсинг асосида хусусий секторга ўтказилди. Мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш ва тадбиркорлик муҳитини соддалаштириш мақсадида 72 та лицензияланадиган фаолият тури ва 40 та рухсатнома бекор қилинди. Ушбу жараён Ўзбекистон парламенти аъзоларининг диққат марказида ва бевосита иштирокида ўтати.



Ўзбекистон инвестиция ва ишбилармонлик муҳитидаги ижобий ўзгаришлар халқаро рейтинг агентликлари ва ташкилотлар томонидан ижобий баҳоланмоқда. Хусусан, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни тартибга солиш бўйича чекловлар индексига кўра, мамлакатимиз Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари орасида энг яхши рейтингга эга. Жорий йилда “Heritage Foundation” иқтисодий эркинлик индекси, “Савдо эркинлиги” ва “Инвестиция эркинлиги” индикаторлари бўйича мамлакат кўрсаткичлари анча яхшиланди.

Сўзим сўнгига Халқаро валюта жамғармасининг Ўзбекистон Республикаси билан ўтказилган охириги маслаҳатлашувлари натижалари бўйича иқтисодиётимиз истиқболлари ва ислохотлар самарадорлигини баҳолашга қайтсам. Жамғарманинг яқини ҳужжатида кўра, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг ижобий жиҳати таркибий ислохотларнинг жадаллашуви, даромадлар ва капитал оқимининг кўпайиши, шунингдек, хомашё нархларининг кулай динамикасида иборат.

Юқорида келтирилган саноатлаштириш, инвестицион фаоллик ва экспортни кенгайтириш кўрсаткичлари таҳлили “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти ва халқаро нуфузини мустаҳкамлашга доир тегишли чора-тадбирлар мажмуасининг реал натижадорлигидан дарак беради. Бу, ўз навбатида, мустақил ва қудратли янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган ислохотлар самарадорлиги, бу йўлдаги янгиланишлар асло ортга қайтмаслигидан далолат.

Ахмед РЕЙМОВ,
Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ректори, академик

Бугунги глобаллашув жараёнида ҳар бир давлат ўзининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиётини барқарор асосда таъминлашни устувор вазифа деб билади. Хусусан, кўп миллатли жамиятларда миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик ва ижтимоий барқарорлик тараққиётнинг энг муҳим устунларидан биридир. Шу маънода, Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила” ғояси бугунги кунда нафақат мафкуравий, балки амалий, ҳаётий мезон даражасига кўтарилди.



Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети жамоаси ҳам ушбу эзгу ғояни ўз фаолиятининг асоси сифатида қабул қилиб, мамлакатимизда истиқомат қилувчи барча миллат ва элат вакиллари ўртасида дўстлик, тинчлик, тотувлик ва Ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Бугунги кунда университетимизда ўн олтидан ортиқ миллат ва элат вакиллари таҳсил олмақда. Унда қорақалпоқ, ўзбек, рус, қozoқ, тоjik, татар, корейс ва бошқа миллат вакиллари бир-галикда илм-фан, таълим, спорт ва маданий соҳаларида фаолият юритмоқда. Университетимизда яратилган маданийлараро мулоқот муҳитининг ижобий самарасини талабаларнинг эркин фикрлаши, очик мулоқоти ва дўстона муносабатларида ҳам яққол кўриш мумкин. Университетда барча миллат вакилларига тенг шароит яратилган бўлиб, таълим қорақалпоқ, ўзбек, қozoқ, туркман, рус ва инглиз тилларида олиб борилади. Бу эса турли миллат вакиллари ўртасида билим олишда тенглик ва қўлайлиқни таъминлаб, умумий мақсад сари биргаликда ҳаракат қилишга замин яратмоқда. Университетимизда миллатлараро ҳамжиҳатлиқни таъминлаш мақсадида “Миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ва халқлар дўстлиги”, “Ўзбекистон — умумий уйимиз”, “Биз бир оила фарзандларимиз”, “Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила”, “Дўстлик кўни” каби тадбирлар мунтазам ўтказилади. Шу орқали турли миллатларнинг маданий меросини Ўзаро таништириш ва тарғиб этиш анъанаси йўлга қўйилган. Шунингдек, университетдаги талабалар театри студиялари, “Хурлиман” халқ ансамбли ва ижодий гуруҳлар фаолиятида турли миллатларнинг рақс, қўшиқ ва анъаналари акс этган сахна кўринишлари намойиш этилади.

Бундан ташқари, университетимизда ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган “Халқлар дўстлиги” фестивали барча миллат ва элат вакиллариининг ўзига хос маданийтини бир сахнада жамлаб, талаба ёшлар орасида чинакам дўстлик ва бағрикенглик руҳини мустаҳкамламоқда. Бу йил “Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила” шiori остида ўтказилган халқлар дўстлиги фестивалида республикаимиздаги миллий-маданий марказлар, университетнинг профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлар билан бирга Наманган давлат техника университети ва Урганч давлат университети делегациялари ҳам иштирок этиб, тадбир миқёсининг кенглигини кўрсатди. Бу ҳолат юртимиз бўйлаб ёшлар ва зиёлилар ўртасида миллатлараро дўстлик ришталари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далolat беради. Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон тараққиётининг асоси барқарорлик, тинчлик ва халқлар ўртасидаги дўстлик эканини таъкидлади. Бундай муҳитда яшаётган ҳар бир инсон ўз салоҳиятини тўла намоеён қилиб, жамиятда фаол иштирок этади, эртанги кунга ишонч билан қарайди. Фестивалнинг энг ерқин ва эсда қоларли қисми, албатта, ёшлар иштирокида бўлиб ўтди. Университет талабалари томонидан тайёрланган сахна кўринишлари, театр асарлари, миллий қўшиқлар ва рақслар орқали улар дўстлик, тинчлик ва ҳамжиҳатлик каби умуминсоний қадриятларни юксак маҳорат билан ифодалади. Қорақалпоқ, ўзбек, қozoқ, рус, туркман ва бошқа миллат вакилларидан иборат талаба ёшлар ягона оиладек бирлашиб, ўз маданиятлари, тил ва урф-одатларини кўрсатиб берди. Бу сахналар орқали улар нафақат санъат намуналарини намойиш қилди, балки мустақил Ўзбекистоннинг асосий бойлиги миллатлараро тотувлик эканини амалда исботлади. Фестивалдан талаба ёшлар қалбида



ватанпарварлик, инсонпарварлик, Ўзаро ҳурмат ва бирдамлик туйғуларини кучайтириш, турли миллат вакиллариининг бир-бирига бўлган ишончини мустаҳкамлашдай улкан мақсад кўзланган эди.

Биз ҳам июнь ойида Наманган давлат техника университети таклифига биноан 64-Халқаро гуллар фестивалида иштирок этдик. Мамлакатимизда ва хорижда яшайдиган турли миллат вакиллариининг маданий ҳамкорлиги ва дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш



мақсадида ташкил этилган нуфузли тадбир иштирокчилари орасида Қорақалпоқ давлат университети жамоаси ўрни ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

Фестиваль давомида университетимизнинг иқтидорли талабалари, хусусан, “Хурлиман” халқ ансамбли аъзолари турли миллатларнинг халқ кўй-қўшиқлари, рақс санъати намуналарини ижро этди. Миллий либосларни намойиш қилиб олқишларга сазовор бўлди. Тадбир меҳмонлари учун унутилмас лаҳзаларни тақдим этган бу чиқишлар миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик ғоясининг амалий ифодаси бўлди.

Шу билан бирга, ушбу ташриф маданий-ижодий ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу борада икки университет ўртасида талабалар алмашинуви, қўшма концертлар, илмий-маърифий учрашув ва лойиҳалар ташкил этиш режалаштирилди.

Бундай тадбирлар орқали Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги ижобий имижига ҳам шаклланиб боради. Зеро, ватанимизда 130 дан ортиқ миллат ва элатлар вакиллари

бир мақсад йўлида яшаб меҳнат қилмоқда. Ҳар бир миллатнинг маданий мероси, анъана ва қадриятларига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланган. Фестиваль доирасида меҳмон делегациялар билан ҳамкорлик алоқалари ҳам мустаҳкамланди. Зеро, “Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила” фестивали ёшларни эзгу ғояларга етакловчи, юртдошларимиз ўртасидаги ишонч, меҳр ва ҳамжиҳатлиқни мустаҳкамловчи муҳим омилдир. Шу боис, ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли ва ҳурматга лойиқ аъзоси эканини юракдан ҳис этиб яшайпти.

Университет раҳбарияти талабаларнинг яшаш шароити, таълим олиши ва ижтимоий муҳофазасини доим назорат қилади. Турли миллат вакили бўлган талабаларнинг аҳилигини янада мустаҳкамлаш учун университет ётоқхоналарида “Биз бир оила фарзандларимиз” шiori остида маънавий тадбирлар ташкил этилади. Шу билан бирга, университетимизда фаолият юритаётган юздан ортиқ тьюторлар томонидан ҳар бир гуруҳда миллатлараро тотувлик, ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида маънавий-маърифий ишлар олиб боришмоқда. Ҳафтанинг жума кунлари эса “Маънавият соати” доирасида мулоқот-

лар ташкил этилади. Бу мулоқотлар орқали талабаларда ижтимоий фаоллик, миллатлараро бағрикенглик, маданий хилма-хилликка нисбатан ҳурмат туйғуси шакллантиришмоқда. Ҳақиқатан, “Ўзбекистон — кўп миллатли аҳил оила” ғояси бугун шунчаки шior эмас, балки ҳар бир юртдошимизнинг ҳаёт тарзига айланган. Университетимизда олиб борилаётган ишлар бу ғоянинг нечоғлиқ ҳаётий ва замонавий эканини тасдиқлайди.

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети жамоаси ушбу ғоянинг ҳаётий ва амалий ифодасини мустаҳкамлашда, ёшларни миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашда, бағрикенглик маданиятини ривожлантиришда доим олдинги сафда бўлишга интилади.

Ишонамизки, ҳар бир юртдошимиз, ҳар бир талаба ёш бу юртни ўзининг ягона Ватани деб бўлиб, миллати ва динидан қатъи назар, она Ўзбекистон тараққиёти учун бор куч-ғайратини сафарбар этади. Чунки биз кўп миллатли, мустаҳкам, аҳил ва фидойи Ўзбекистон оиласимиз.

ёшдаги кишилар янада бардам бўлишида муҳим омил эканининг яққол далилидир. Бундай улуг ёшда югуриб, футбол ўйнаётган нурунийларимиз сизу бизга соғлом турмуш тарзининг нечоғлиқ аҳамиятини эканини яна бир бор эслатади. Мусобақадан кўзланган мақсад ҳам шу — серғайрат нурунийларни барчага ўрнак қилиб кўрсатган ҳолда спортни омаллаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш.

Айни вақтда Навоий вилоятида 105 мингдан зиёд нуруний бор. Улар ҳар соҳада фаол. Қарорга мувофиқ вилоятдаги отахонлар оналари эҳтиёжманд оилаларни камбағалликдан чиқариш борасида ҳам фаол иштирок этмоқда. Ҳозир Навоий вилоятида 330 та маҳалла бор. Қарорда белгиланган вазифалар асосида ушбу маҳаллаларда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган, обрў-этиборли 3 нафар фаол нурунийнинг ҳар бирига бештадан, яъни 990 нафар нурунийга 3458 нафар камбағал оилалар бириктирилди. Айни вақтда улар бу борада самарали фаолият олиб бормоқда.

— Фаол нурунийлар томонидан реестрга киритилган 2200 камбағал оила мактаб ёшидаги фарзандларининг ўқув жиҳозлари ва ўқув қуроллари ҳамда спорт кийимларига бўлган эҳтиёжлари аниқланди, — дейди “Нуруний” жамғармаси Навоий вилояти бўлими раиси Шабоб Набиев. — Ушбу оилалар фарзандларига ўқув қуроллари ва тўрт турдаги спорт кийимлари бепул тақдим этилди. Ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан 1 миллиард 650 миллион сўм маблағ сарфланди. Қарорда кўрсатилган вазифаларни самарали бажаргани учун фаол нурунийлар хизмат кўрсатиш аъзосига ҳақ тўлаш шартномасига асосан рағбатлантирилди. Нурунийларимиз бу борадаги ишларини фаоллик билан давом эттирмоқда.

Ғолиб АБДУСАЛОМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Етуқлик остонасида

Янги Ўзбекистонни барпо этиш, аввало, янги тафаккур, кенг дунёқараш ва мустаҳкам миллий қадриятларга эга инсонларни тарбиялаш демакдир. Бугун фақат билимди, ташаббускор, мустақил фикрлайдиган, ватанпарвар ва замонавий авлод орқали жамият тараққиётини таъминлаш мумкин. Бу йўлнинг бошланғич нуқтаси эса таълимдир.

БАРҚАРОР КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

Дунё тажрибасидан аёнки, барқарор тараққиётга эришган ҳар бир давлат, аввало, таълимга катта эътибор қаратган. Зеро, таълим иқтисодий локомитиви, фан ва технология асоси, интеллектуал салоҳиятни шакллантирадиган муҳим ижтимоий институтдир. Унга киритилган ҳар бир сармоя келажакка қўйилган мустаҳкам пойдевордир.

— Бугун Жиззах вилоятида 560 та умумий ўрта таълим мактаби, 14 та “Баркамол авлод” мактаби фаолият кўрсатмоқда. — дейди Жиззах вилояти Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси бошлиғи Санобар Суяркулова. — Уларда таҳсил олаётган 270 мингдан зиёд ўқувчига қарийб 24 мингга яқин ўқитувчи таълим-тарбия бермоқда. Ушбу педагогларимизнинг 45 фоизи биринчи ва олий тоифали. Бу, албатта, таълим сифатида бевосита таъсир кўрсатувчи муҳим кўрсаткичдир.

Бир неча йил аввал таълимдаги асосий муаммолардан бири синфхоналар етишмаслиги эди. Жорий йилда инвестиция дастурига мувофиқ, 3 та янги мактаб биноси қурилмоқда, 16 та муассасада реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилмоқда. Натижада 3902 та янги ўқув ўрни яратилиб, ўқув навбатлилик коэффициенти 1,2 дан 1,1 га туширилди.

Шунингдек, таълим соҳасига хусусий секторни жалб этиш борасида ишлар изчил давом этмоқда. Бу йил 2 та хусусий таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилди. Нодават мактаблар сони 17 тага, улардаги ўқувчилар сони эса 1945 тага етказилди.



Мактабгача таълим қамровини 81 фоизга етказиш мақсадида 58 та оилавий, 5 та хусусий ва давлат-хусусий шерикликка асосланган 5 та мактабгача таълим ташкилоти очилди.

Таълим сифати, биринчи навбатда, ўқитувчининг билими, малакаси ва фидойилигига таянган ҳолда ошади. Педагогларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида мактаб директорлари ва ўринбосарларининг ойлик маошлари тегишли равишда 20 ва 15 фоиз оширилди. Янги ўқув йилидан уларнинг ойликлари 7-10 миллион сўмгача етиши белгиланди.

Педагог кадрлар тайёрлашга берилаётган эътибор таълим сифатини оширишга хизмат қилади. Республика педагогика олий таълим муассасалари илмий салоҳиятининг умумий кўрсаткичи 40 фоизни ташкил этади. Аммо Жиззах давлат педагогика университетида бу кўрсаткич 32 фоиздан иборат. Келгуси мақсад ушбу кўрсаткични сезиларли даражада оширишга қаратилган.

— Ушбу олий таълим муассасасида илм-фан, таълим ва амалиёт интеграциясини таъминлаш мақсадида унинг тасарруфидида 420 ўринли 1 та мактабгача таълим ташкилоти ва 100 ўринли 1 та умумтаълим мактаби ташкил этилган, — дейди Санобар Суяркулова. — Хар икала муассаса ҳам 2025 йил 1 сентябрдан фаолият бошлайди. Бу педагоглар тайёрлаш тизими

мини амалиёт билан боғлашда муҳим қадам бўлади.

Хорижий тил ўқитувчиларини жалб этиш борасида ҳам жиддий ишлар қилинган. Жорий ўқув йилида 14 нафар хорижий мутахассис фаолият юритмоқда, янги ўқув йилида улар сони 30 нафарга етказилди.

Таълим тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, иқтидорли ёшларни кашф этиш ва уларни халқаро майдонда рақобатдош кадр сифатида тайёрлаш мақсадида ташкил этилган Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар тизими ўзини оқлаб, самарасини бера бошлади. Ушбу мактаблар бугунги кунда мамлакат таълим тизимининг интеллектуал локомитивига айланётгани соҳа экспертлари томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Жиззах вилоятидаги бундай мактаблар фаолияти натижада ҳам бунинг яққол исботидир. Жорий ўқув йилида мана шундай таълим муассасаларида ўқийдиган жинсхаллиқ ўқувчиларнинг бир неча нафари жаҳоннинг энг нуфузли университетларига тўлиқ ёки қисман грант асосида қабул қилинди.

Мисол учун, Жиззахдаги Президент мактабининг 11-синф ўқувчиси Муҳаммад Сунонов АҚШнинг бир қатор олийгоҳларидан жами 1 миллион доллар ҳам янги грантлар ютиб олди. Улар орасида Willamette University, Western New England University, University of Nebraska-Lincoln, University of Massachusetts Lowell ва бошқалар бор.



Жиззах шаҳридаги 1-ихтисослаштирилган мактаб-интернати битирувчиси Гўлмира Саъдуллаева АҚШнинг 5 та олийгоҳидан бир вақтда катта миқдордаги грант ютди.

Президент мактаби битирувчиси Отабек Абдукаримов Саудия Арабистонидagi Гўлмира Саъдуллаева АҚШнинг 5 та олийгоҳидан бир вақтда катта миқдордаги грант ютди.

Шу мактабнинг яна бир ўқувчиси Маҳбуба Ўратова эса Россиядаги Higher School of Economics — Saint Petersburg университетига 100 фоиз грант асосида қабул қилинди. Шунингдек, у АҚШнинг Arizona State University ва University of Minnesota Duluth каби университетларидан ҳам қисман грантлар ютиб олди.

Бундай мисоллардан кўринадики, иқтидорни кўра олиш, уни қўллаб-қувватлаш ва тўғри йўналтириш таълим тизимидagi энг муҳим стратегик вазифалардан биридир. Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактабларда жорий этилган илгор ўқув дастурлари, халқаро талабаларга мос ёндашув, тиллар ва фанларни чуқур ўргатишга қаратилган методика бугун ёшларимиз глобал таълим майдонида ўзларини муносиб намоеён этишига хизмат қилмоқда.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

САКСОН ЁШДА ҲАМ СПОРТ БИЛАН МАШҒУЛ нурунийлар ёшларга қандай ўрнак бўлмоқда?

Кексалар ибрати

Навоий шахридаги истироҳат боғи ва “Ёшлик” кўли атрофидаги спорт майдончаси, воркаут ва кенг югуриш йўлагига эрта тонгдан спортсеварлар билан гавжум бўлади. Бу ҳақда кўп эшитган бўлсам-да, шахардан олисроқда яшаганим учун сахар вақти бу жараёни кузатишнинг ҳеч имкони бўлмади.



Яқинда истироҳат боғига туташ ҳудуддаги тадбирда иштирок этиш учун “Ёшлик” кўли атрофидан ўтдим. Тонг маҳали бу маскан спортсеварлар билан гавжум эди. Кимдир югурган, бошқаси турникка тортилган ва яна кимдир эса кўл бўйида бадантарбия машқларини бажармоқда.

Ёз сахарининг салқин ҳавоси спорт билан шуғулланиш учун энг қулай вақт. Шаҳар аҳолиси соғлом турмуш тарзига риоя қилиш учун бундан самарали фойдаланмоқда.

Жараёнларни кузатар эканман, кўл бўйида югураётган бир гуруҳ нуруний отахонлар эътиборимни тортди. Ўн-ўн беш чоғли

нуруний спорт кийимида янада бардам кўринарди. Майдонда нафақат ёшлар, балки нурунийлар ҳам спорт билан шуғулланаётганини кўриб қувондим. Кўнглимдан ҳудудларда, маҳаллаларда спорт учун барча шароит ва имконият яратилгани иш бера бошлади деган ўй ўтди. Бу вақтда спортчи отахонлар яна бир айлана югуриб келиб, дам олиш учун ўриндиқларга ўтирганди. Фурсатдан фойдаланиб, улар билан бир оз суҳбатлашдим.

— Кўп қаватли уйда беқор ва ҳаракатсиз ўтириш кексалар соғлигига салбий таъсир кўрсатади, — дейди фахрий спортчи Муродбек Худоёров. — Ёшлигимдан кураш билан

шуғулланиб, мусобақаларда иштирок этганман. Шунинг учун спортнинг инсон саломатлигига, айниқса, кексалар учун қанчалик фойдали эканини яхши биламан. “Нуруний” жамғармаси Навоий вилояти бўлими нурунийларни ҳам турли спорт турларига ёки эрталабки машғулотларга жалб қилиш заруригини айтиб, ташаббус билан чиққанида бу жараёнда фаол бўлиб, таъкилий ишларни амалга оширдик. Кўриб турганингиздек, ҳар тонгда шу ерда машғулотга чиқамиз ва бунинг учун барча шароит яратилган.

Албатта, жамият ҳаётида спортнинг аҳамияти жуда катта. У нафақат жисмоний соғлиқ, балки ҳаммани бир мақсад атрофида бириштирадиган ижтимоий куч ҳамдир. Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида спортни кўйиб бўлгандан, яъни маҳаллалардан ривожлантириш, шу орқали соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича тизимли ишлар олиб боришмоқда. Қувонарлиси, бу жараёнда нурунийлар ҳам фаол иштирок этиб, барчага, айниқса, ёшларга намуна бўлмоқда.

Президентимиз 2024 йил 25 ноябрда “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга оширишга фаол нурунийларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорини қабул қилган эди. Унда кекса ёшдаги фуқаролар учун мос келадиган спорт тадбирларини ташкил этиш, уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этиш билан боғлиқ вазифалар белгиланган берилган.

Суҳбатимиз давомида нурунийлар ушбу қарор улар ҳаётида ижобий ўзгариш ясаганини айтди. Яъни мазкур қонун ҳужжати ижроси доирасида вилоятдаги нурунийлар ўртасида “Ғайратли кексалар” футбол мусобақаси ташкил этилди. Ушбу турнирда Навоий шаҳар жамоаси биринчи ўринни кўлга киритган. Бу муваффақият уларни спорт билан шуғулланишга янада руҳлантирган.

Мусобақа давомида 80 ёшга етган отахонлар ҳам иштирок этгани ҳақиқатан спорт кекса

6

2025 йил 30 июль, 154-сон

www.yuz.uz

yuz.uznews

Албатта ўқинг!

Жаҳон тажрибаси

ва “изм”лар

(“Сўз латофати” китобидан)

Она тилини бойитиб бориш соҳасида турли мамлакатларнинг турли хил тажрибалари бор. Араб давлатларида, масалан, арабчалаштириш марказлари мавжуд. Бу марказларда вақти-вақти билан барча араб давлатларининг тилшунос олимлари тўпланиб турадилар. Улар тилда пайдо бўлган янги сўз ва ибораларнинг арабча ифодасини излайдилар ва кўп таклифлардан бирини асосан яширин овоз бериш йўли билан қабул қиладилар.

Шундан сўнг янги сўз ёки ибора қонуний кучга қиради. Уларни ҳаётда тadbик этиш тартиби ҳам ўзига хос. Масалан, идеология ифодаси учун “мафкура” сўзи қабул қилинса, бир йил давомида маъбуотда “идеология” ёнида қавс ичида “мафкура” сўзи ҳам ёзилади. Иккинчи йил эса “мафкура” ёнида қавс ичида “идеология” ёзилади. Учинчи йилдан “мафкура”нинг ўзи ёзилади.

Тилини бойитиш кенг халқ оммасидан ташаббускорликни, олим мутахассислардан ижодкорликни, янги сўзни ҳаётга киритувчи мутасаддилардан хайрихоҳликни, ўзбекчалаштиришга бўлган қатъий иродани талаб этадиган катта Ватаний ишдир. Агар биз “интернационализм”га садоқатимизни намойиш қилиб, “атом” бор-ку, “зарра”нинг кераги йўқ, десак “арабизм”, “форсизм”дан ҳар қилсак, энг ёмони, янги маъкул сўз таклиф қилганини қўлаб-қувватлаш, тарғиб қилиш ўрнига унинг устидан кулсак, биз турган еримиздан кўзалмай тураверамиз. Ҳар қандай янги сўз токи ўрганиш бўлиб келгунча ғайритаъбий туюлади. Сўзининг сингиб кетиши ҳам вақт талаб қилувчи иш. Абдулла Қаҳҳор ўз асарига “Синчалак” деб ном қўйганда ҳам ўқувчиларга даставвал эриш туюлган. Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” ҳам аввалбошда ғалати туюлган бўлиши мумкин. Чунки ўзбек тилида “Меҳробдан чиққан чаён” дейилади. Қодирий инглиз, рус, араб тилларида мавжуд бўлган



шеърлар битганлар ва бу тилни иккинчи она тили даражасига кўтарганлар. Биз кундалик ҳаётимизда юзлаб, минглаб араб ва форс сўзларини ишлатамиз. “Ангушона” дан то “ситора”-гача, “турбат”дан то “илим нужум”гача аллақачон ўзбек лугатига кириб кетган. Халқ уларни ўзиники қилиб олган. Бизнинг Навоий жаҳон шоирлари ичида энг кўп сўз ишлатган, лугати бой шоирлардан бири ҳисобланади. Унинг тилини “архаик” десак, ўрганиб, қайта жон бахш этмасак, Навоийнинг ўзи бизники-ю, шеъри бизники эмас деган бўламиз.

Навоий ўзбекнинг даҳо шоири деб ғурурлансак, Навоий номи билан энг катта кўчалар, бош кутубхоналар, шаҳар-вилоятларни атасак-да, ўзимиз унинг шеърларини ўқиб тушунамсак, бундан оғир кўргилик борми?!

Бугун Афғонистонда яшаб турган ўзбеклар Навоийни биздан кўра яхшироқ тушунадилар. Негаки улар шўро даврини ҳам, тил ва алифбо ислохотларини ҳам бошдан кечирмаганлар. Дарҳақиқат, бир миллатни йўқотиш учун уни қириб ташлаш шарт эмас, балки тили ва тарихий хотирасидан жудо қилиш кифоя экан. Шеърятда тил ва тарихий хотира мужассам бўлади. Навоий замонида ҳар бир илми инсонга маълум бўлган Қуръон суралари, ҳадис сўзлари, маълум-машҳур ривоятлар, пайғамбарлар қиссалари, тасаввуф асосларини бизлар ўрганмаганимиз ва Навоий тилини лугатга қараб

“

НАВОИЙ ЎЗБЕКНИНГ ДАҲО ШОИРИ ДЕБ ҒУРУРЛАНСАК, НАВОИЙ НОМИ БИЛАН ЭНГ КАТТА КЎЧАЛАР, БОШ КУТУБХОНАЛАР, ШАҲАР-ВИЛОЯТЛАРНИ АТАСАК-ДА, ЎЗИМИЗ УНИНГ ШЕЪРЛАРИНИ ЎҚИБ ТУШУНМАСАК, БУНДАН ОҒИР КЎРГИЛИК БОРМИ?!

грамматик шаклни қисқа ва лўнда бўлгани учун дадил қўлади ҳамда буни халқ қабул қилди. “Арабизм”, “форсизм”, “архаизм” каби тамгаларда мантиқнинг йўқлиги шуки, аввало Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Беруний, Ибн Синолар ўз асарларини араб тилида ёзиб, ватандошимиз Замахшарий араб тилининг грамматикасини яратиб, бу тилининг тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар ва биз бу кун яшаб турган минтақада туркий тил ёнида араб ва форс тили ҳам баробар қўлланилган. Бизнинг мумтоз шоирларимиз деярли барчаси форсий тилда ҳам

тушунсак-да, мазмун-моҳиятини, нозик санъатини англашимиз мушкулдир.

Мумтоз шеърятни англаш мустақил мамлакатимизда бошланган қадриятларни тиклашдек улкан, кенг қўламли ишнинг бир қисмидир. Йўқотишларимиз миқёсини тасаввур қилсак, қайта топиш жараёнининг ҳали кўп ўн йилликлар давом этишини англаш мумкин.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ДЎСТЛИК МАДҲИЯСИ

Зикрилла НЕЪМАТ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси,
“Дўстлик” ордени соҳиби

Янги Ўзбекистон, кучогингни оч,
Дўстлик фестивалин шуқуқи сенда!
Кўежшон, сен мўл-қўл нуриларингни соч,
Дўстлик дийдоридан обод заминга.

“Дўстлик болаликдан бошланар”, дея,
Чоралик дунёнинг болоқонларин.
Уларнинг пойига тўкиб-сочайлик,
Яшасан қирларнинг лояқонларин.

Дўстлик бу — дунёда энг олий туйғу,
Мангу тинчлик томон қўйилган қадам.
Қалбларда лояуллаб ёнар бир ёғду,
Бўлайлик ҳамжисҳат, аҳил, ҳамқадам.

Дўстлик фестивали минглаб халқларнинг
Бир экон, бир тан бўлиб бирлашмоғидир.
Зарафшондек жўшқин, бедор қалбларнинг
Амуо Сир каби сирлашмоғидир.

“Ўзбекистон — умумий уйимиз”, дебон,
Ёнар бир ўз ўппиз миллат юроти.
Мудом тиш бўлмоғи жумлаи жаҳон —
Барча қардошларнинг орзу-тилаги.

Дўстларга кенг очиб меҳр эшигин,
Эзуликка чорлар улуг Юртбошин.
Азиз халқим қўлаб бахтлар қўйишин,
Бошлар узра порлар иқбол қўеши.

Дўстлик — кўнгулларнинг бебаҳо мулки,
Дўстлик бу — бахт, балки ундан зиёда.
Барча дўст-ёрларнинг тилаги шулки:
Мангу тинчлик бўлсин ёру дунёда.

Эй азиз диёрим, кучогингни оч,
Дўстлик фестивалин шуқуқи сенда!
Кўежшон, сен мўл-қўл нуриларингни соч,
Дўстлар дийдоридан обод заминга.

Адиб ва жамият

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Китоб дипломатияси элларни,
дилларни бирлаштиради

Ғайрат МАЖИД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси
раисининг ўринбосари

Бугун қаерда тўрт ижодкор
тўпланса, албатта, китоб ҳақида
сўз очилади.

Таниқли шоир ва журналист,
қадрдон дўстим Холиёр Абдиев
билан гурунглашиб ўтирибмиз.
Мавзу ўз-ўзидан китоб,
китобхонлик томон бурилди.
Буни табиий деб биламан. Боиси,
дўстим “ашаддий” китобхон, мен
ҳам ундан орқада қолмасликка
ҳаракат қиламан.



Инсониятнинг энг буюк кашфиётлари-дан бири — китоб. Аммо айни кашфиёт ўз-ўзидан бўлмаган. Инсон боласининг эҳтиёжи ўлароқ неча минг йиллар давомида босқичма-босқич юзга келган. Одам дастлаб ўз туйғуларини, фикрларини расмлар, турли шакллар тарзида ифодалашга интилди. Кейинчалик ҳақиқий маънодаги ёзув пайдо бўлди. Улар тошларга ўйиб ёзилди, оғочларга, сопол буюмларга нақш этилди. Миллоддан аввалги 4-3-минг йилликларга келиб ёзув материали сифатида папирус ўсимлиги, миллоддан аввалги II асрга келиб ҳайвон терисидан фойдаланиш бошланди. Миллодий VI асрдан эътиборан анъанавий кўринишдаги китоблар пайдо бўлди. Бу китоблар хусниҳат эгалари — ҳатотлар томонидан амалга оширилди. VII асрда халифа Усмон ибн Аффон розияллоху анху кўрсатмаси билан амалга оширилган Қуръони карим — “Усмон Мусхафи” кийик терисига қўйрилган бўлиб, бугунги кунда ушбу муқаддас китоб Ўзбекистон Мусулмонлар идорасида сақланади.



Қоғоз ўйлаб топилгач, Самарқанд, Хитой қоғозларининг шуҳрати етти иқлимда машҳур бўлган. 650-йиллардаёқ Самарқандда қоғозли китоблар бўлгани ҳақида ёзилган тарихий манбаларда. Қадимги турк — Ўрхун-Энасой ёзуви ҳар бир кўнгида фахр ҳиссини уйғотади. Яқин Шарқда аббосий ҳукмдорлардан бири Хорун ар-Рашид даврида — 754 йил Бағдодда қоғоз ишлаб чиқарувчи марказ қурилган. Кейинчалик шу каби марказлар Мисрда, Шомда барпо этилди. Илк қоғоз ишлаб чиқарувчи машина Францияда ихтиро қилинган. 1400-йилларнинг ярмига келиб олмон ихтирочиси Иоханн Гутенберг босма ускунасини яратди китоблар ададини кўпайтириш имконияти кенгайди. Мактабда ўқиб юрган кезларимизда устозлар энг аълочи ўқувчиларга китоблар совға қиларди. Бундай ҳадялар асосан Янги йил, Наврўз сингарни байрамларда бутун мактаб ўқувчилари йилгилан тадбирда бериларди. Китоб олган ўқувчилар бахтиёр одам бўлмасди ўшанда. Ҳамма унга ҳавас қиларди. Мен ҳам яхши ўқиганман, бундай ҳадялардан четда қолмаганман.

Мен-ку у дамларни болалигимга дахлдор бўлгани учун соғинч билан эслайман.

Бироқ бугунги кунда китоб ва китобхонликка давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор берилиб, улкан амалий чора-тадбирлар кўриляпти. Жумладан, китобхонлик танловлари, марафонлар, акциялар, фестиваллар ташкил этилмоқда. “Энг яхши китобхон”, “Еш китобхон”, “Китобхон оила” каби қатор кўрик-танловлар гапимга мисол. Танлов ғолиблари Президент совғаси — автомобиль соҳибига айланмоқда. Танловларда миллионлаб ёшларнинг иштирок этиши, бу дегани, шунча ўғил-қизларнинг китобхонлик бўйича беллашади, бу беллашув олдида ўнлаб китобларни мутлола қилишини англатади. Яъни ёш авлод кўнглида мутлолага бўлган интилиш, қизиқиш мустаҳкамланади.

Шоир адибларимиз, ноширларимиз тезтез дунёнинг энг нуфузли халқаро китоб анжуманларида иштирок этиб келмоқда. Айни чоғда ўзимизда ҳам бу каби халқаро маънавий-маърифий тадбирлар мунтазам ўтказилляпти.

Маҳаллаларда кутубхоналар ташкил этилмоқда. Биргина Тошкент шаҳрининг ўзида банклар ташаббуси билан 115 та маҳалла кутубхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Юртимизда шахсий кутубхонасида 10 мингдан ортқ китоблари мавжуд оилалар бор. Бунга мисол сифатида таниқли ижодкорлар Маҳмуд Саъдий, Мурод Хидир, Маҳкам Маҳмуд, Сувон Мелиларнинг шахсий кутубхоналарини келтириб ўттиш мумкин. Шундай шахсий кутубхоналарда ноёб қўлёзма асарларининг ҳам борлиги халқимизнинг қанчалар китобни қадрлаб яшашини англатади.

Бундан бир неча йил муқаддам хизмат сафари билан Жанубий Кореяда бўлдим. Шунда Сеул марказидаги китоб дўкнларидан бирига кириб ҳайратга тушганман.

қўшиқлар”, Франция Президентига Виктор Гюгонинг “Кулаётган одам”, Венгрия бош вазираига Янош Ароннинг “Ажойиб оҳунинг хикояти”, Туркменистон етакчисига Махтумқулининг “Танланган асарлар”и... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг бу каби китоблар совға қилишида чуқур маъно мужассам. Бу Ўзбекистон халқи сизнинг илмий, адабий, маънавий меросингиздан бохабар, уларни ўқийди, қадрлайди дегани. Айни шу нарсанинг ўзи дипломатик муносабатларнинг энг олий чўққисидир. Дунёнинг бошқа мамлакатлари раҳбарлари ҳам бизнинг Президентдан ибрат олаётгани бор гап.

Табиийки, бу каби гўзал муносабат ҳар қандай одамни ҳайратлантиради. Тошкент халқаро инвестиция форумида сўзга чиққан Болгария Президенти Румен Радев ўз ҳаюнларини, жумладан, мана бундай тарзда ифода этган эди: “Бугун тонгда жаноб Президент Шавкат Мирзиёев мени яна бир бор ҳайратлантирди. Президентлик фаолиятимнинг тўққиз йили давомида жуда кўп мамлакатларда бўлдим. Қўлаб давлат раҳбарлари ва ҳукумат бошлиқлари билан учрашдим. Бироқ менга илк бор китоб совға қилишди. Бу китоб мукаммал таҳлил натижасидир. Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги жамоанинг Болгария салоҳиятини қанчалик чуқур таҳлил этганини кўриб, жуда катта таассурот олдим. Унда компаниялар, тармоқлар, санаот йўналишлари ҳамда илгор технологиялар аниқ ва мукаммал баён этилган. Бу ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган таҳлилий асар. Шунга таъкидлашнинг истардимки, муҳтарам Президент, биз бизнесларимизни боғлаш, илмий ва амалий институтларимизни уйғунлаштириш ва барча йўналишларда олға силжиш учун бор кучимиз ва салоҳиятимизни сафарбар этамиз”.

Шавкат Мирзиёев 2019 йилда Япониянинг Нагоя университети илмий кенгаши томонидан фахрий доктор унвони билан тақдирланди. Маросимда Президентимиз сўзга чиқиб, университет илмий жамоасига миннатдорлик билдирди ва университет кутубхонасига ўзбек тилида чоп этилган Япония Конституцияси, “Япон шеърятни гудастаси”, “Марказий Осиё маданияти мероси Япония тўпламларида”, “Ўзбекистон япониялик қалбида” каби бир қанча китоб ва альбомлар тақдим этди.

Бўлардан ташқари, мамлакатимиз раҳбари 2020 йилнинг февралда Анқарадаги Халқ кутубхонаси очилишида қатнашиб, Туркия Президенти ҳузуридаги бу кутубхонага “Усмон Мусхафи”нинг ўзбек ҳатотлари томонидан қўйилган нусхасини, Жалолиддин Румийнинг “Маснавий-маънавий” ҳамда Абу Бакр ар-Розийнинг “Касалликлар тарихи” асари қўлёзмаларининг факсимиле нусхаларини, “Алишер Навоий асарларининг Истанбул кутубхоналаридаги тасвирий нусхалари” номли китоб-альбомини, шунингдек, турк мумтоз шоири Юнус Эмронинг ўзбек тилига ўтирилган “Улмас кўнгул” шеърлар тўпламини совға қилган эди.

Дипломатиянинг бундай ёрқин шакллари кўриб, билиб ҳаёдан қайнаб Нажмиддин Кубро ҳазратларининг қуйидаги ибратли сўзларни ўқди, “Китоб саҳрода дўст, ҳаёт йўларида танч, ёлғизлик дамларида йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули дамларда мададор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир”.

Китоб дипломатияси. Бу ибора олдин ҳам бўлган. Бироқ давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев номи билан боғланганда бошқача жаранглайди. Юрт эгасининг улуг аждодларимизнинг китоб совға қилишдек одатларини халқаро миқёсда урфга айлантирган давлат раҳбари сифатида ҳам олиб бораётган фаолияти таҳсинга лойиқдир.

“Китоб элларни, дилларни бирлаштиради” дегани шу-да...

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.